БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 240 (471)
4 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).

Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганиннинг Рангунда бўлиши (1-нчи бет).

Бирма Иттифоқи Президенти ҳузурида зиёфат (1-нчи бет).

Бирма Бош Министри У Ну ҳузурида зиёфат. Бирма Иттифоқининг Бош Министри **У Ну** нутқи. **Н. А. Булганин** нутқи (1-нчи бет).

Совет архитекторларининг Иккинчи Бутуниттифоқ с'езди (2-нчи бет).

К. Укубоев. — Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратамиз (2-нчи бет).

СССР Конституцияси қуёши остида (3-нчи бет).

О. Эшонов. — Социализм ғалабасининг енгилмас байроғи (3-нчи бет).

А. Ортиқов. — Қишлоғимиз обод, колхозчиларимиз бадавлат (3-нчи бет).

СССР Олий Советининг делегацияси Венгриядан жўнаб кетди (4-нчи бет).

Совет-Финляндия савдо муносабатларига доир (4-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг визити тўғрисида Бирма газеталарининг ёзганлари (4-нчи бет).

Совет Конституцияси байроғи остида

Ижодкор совет халқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният СССР Конституцияси кунини кенг нишонламоқда.

СССР Конституцияси ижодкор халқимиз шонли Коммунистик партия раҳбарлигида курашиб қўлга киритган социалистик тузум ғалабасини қонунлаштириб мустаҳкамлади.

СССР Конституцияси мамлакатимизда қарор топган янги социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан буюк афзалликларини кўрсатучи ҳужжатдир.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётининг якунлари СССР Конституциясида қонунлаштириб мустаҳкамланган социалистик системанинг ғоят ҳаётчан система эканлигини бутун дун'ёга ёрқин намойиш қилиб кўрсатди. 1929 — 1954 йиллар мобайнида СССРда саноат ишлабчиқариши деярли 18 марта кўпайди. Шу йиллар ичида мамлакатимизда саноат маҳсулоти ўсишининг йиллик ўртача сур'ати капиталистик дун'ёда шу давргаги ўсишнинг йиллик ўртача сур'атларига қараганда 5 баравардан зиёдроқ ортиқ бўлди. Совет социалистик хўжалиги планли равишда, тўхтовсиз сур'атда, кризисларсиз, ишсизлик бўлмаган ҳолда ривожланиб бормоқда.

СССР Конституцияси ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан олий типдаги демократияни ифодалайди. У, СССР гражданларига меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, қариган чоғда, шунингдек касал бўлган ёки меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда моддий та'минот олиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, СССР Конституцияси гражданларга сўз, матбуот, йиғилиш ва митинглар ўтказиш эркинлиги, намойишлар қилиш эркинлигини беради. СССР Конституциясининг буюк хусусияти шундаки, у гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини э'лон қилибгина қўяқолмасдан, балки уларни моддий воситалар блан та'минлайди.

СССР Конституцияси гражданларнинг миллати, ирқи, жинсидан қат'ий назар, хўжалик ва давлат ҳаётининг, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишларини ўзгармас қат'ий қонун қилиб мустаҳкамлаган.

СССР Конституцияси Коммунистик партия ленинча — сталинча миллий сиёсатининг тантанасидир. СССР Конституциясида ифодаланган халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги идеологияси ўзининг буюк ҳаётий кучини кўрсатди.

Бошқа барча қардош социалистик республикалар каби Совет Ўзбекистони ҳам СССР Конституциясининг қуёши остида қишлоқ хўжалиги коллективлашган, саноати бенихоя ўсган, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти гуллаб-яшнаган республикага айланди.

Совет Ўзбекистони ўзининг қудратли саноатига эга. Кейинги 30 йил ичида Ўзбекистоннинг саноати қарийб 50 марта ўсди. Республикада янги-янги саноат ўчоқлари майдонга келди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрликлари натижасида республикамиз қишлоқ хўжалиги бенихоя юксалмоқда. Ҳозир республикада 2427 колхоз, 92 совхоз, 250 МТС бор. Республикамизнинг кўпчилик колхозлари миллионер колхозларга айланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг тарихий Пленумлари республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалигининг янада ривожланиш перспективаларини кўрсатиб берди.

СССР Конституцияси қуёши остида республикада кўплаб социалистик маданият ўчоқлари вужудга келди. Ҳозир республикамизда 36 олий ўқув юрти бор, уларда 35 минг студент ўқимоқда. Республикада Фанлар академияси ишлаб турипти. Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтларида 5236 илмий ходим ишламоқда.

СССР Конституциясида ифодаланган тинчлик, демократия ва социализм ғоялари миллионларнинг кураш байроғи бўлиб қолди.

И. В. Сталин СССР Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида қилган докладида: «Бу Конституция СССРда ҳозир амалга оширилган нарсаларнинг бошқа мамлакатларда ҳам мутлақо амалга оширилиш мумкинлигини кўрсатадиган ҳужжат бўлади», деб айттан эди. Турмуш И. В. Сталиннинг бу сўзлари тамоман ҳақ эканлигини исботлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа ва Осиёдаги бирқанча мамлакатлар капиталистик системадан бутунлай чиқиб кетдилар, халқ демократияси тузумини барпо қилдилар ва эндиликда муваффақият блан социализм асосларини қурмоқдалар.

СССР Конституцияси қуёши остида капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткаш халқ ўз озодлиги, миллий мустақиллиги учун курашмоқда. Осиё ва бутун Шарқ мамлакатларида сиёсий вазиятнинг чуқур равишда ўзгарганлиги бунинг яққол далилидир. Миллий мустақиллик ва озодлик учун, янги ҳаёт қуриш учун курашда Шарқ халқларининг сиёсий активлиги кучли равишда ўсмоқда. Улуғ ҳинд халқининг ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганлигини бутун прогрессив инсоният табриклямоқда. Шунингдек Бирма, Индонезия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари четэл ҳукмронлиги зулмини улоқтириб ташладилар. Яқин ва Ўрта Шарқда, Африкада миллий-озодлик ҳаракати тобора ривожланиб бормоқда. Бу шуни кўрсатадики, империализмнинг мустамлакачилик сиёсати барбод бўлмоқда, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари тинчлик учун, миллий мустақиллик учун, озодлик учун актив равишда курашмоқдалар.

СССР Конституцияси тинчликсевар социалистик давлатнинг Конституциясидир. Унда социалистик давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати ўз ифодасини топган. Совет Иттифоқининг тинчликсеварликдан иборат ташқи сиёсати социалистик ва капиталистик системаларнинг тотув бўлиб яшаши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча принципга асослангандир. Совет Иттифоқи дун'ёдаги барча тинчликсевар мамлакатлар блан тинч ҳамкорлик қилиш, иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатиш сиёсатини олиб бормоқда. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга сафарлари тинчлик ишини мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, совет халқи блан шу мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намойиши ва тинч, тотув бўлиб яшаш принциплари ҳаётийлигининг намойишидир. Ҳозирги вақтда дўстона ҳамкорлик ва тинч, тотув яшаш принциплари ер юзидаги барча тинчликсевар мамлакатлар ташқи сиёсатининг асоси бўлиб қолмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари СССР Конституцияси кунини зўр сиёсий активлик ва меҳнат кўтаринкилиги блан кутиб олмоқдалар. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ электрохимия комбинати, 1-нчи автозавод, 1-нчи механика заводи ва бошқа саноат корхоналарининг коллективлари партиямиз XX с'езди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, бешйиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Пахта далаларимизнинг илғорлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Андижон области пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планини бажариб айниқса катта ғалабага эришди. Тошкент области пахтакорлари партиямиз XX с'езди шарафига йиллик пахта тайёрлаш планини 5 декабрьга бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Совет халқи СССР Конституцияси кунини байрам қилар экан, ўзининг порлоқ келажагига тўла ишонч блан қарамоқда. Буюк халқимиз мамлакатимизда социалистик тузумнинг ғалабаларини ўзида қонунлаштириб мустаҳкамлаган, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг қудратли байроғи бўлган СССР Конституциясининг ижодчиси жонажон Коммунистик партияга ўзининг чуқур муҳаббат ҳисларини изҳор қилмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

СССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси 1955 йил 23 декабрьда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ

Москва, Кремль,
1955 йил, 2 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони блан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари деган иккинчи лавозим та'сис этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Н. РУДИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Александр Никитович Рудин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлансин ва у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри,
1955 йил, 3 декабрь.

Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганиннинг Рангунда бўлиши

РАНГУН, 2 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун эрта блан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Бирма халқининг миллий мустақиллик учун олиб борган курашидаги йўлбошчиси қаҳрамон ватанпарвар Аунг Сан ва унинг муваққат ҳукуматининг министрлари қабрига гулчамбарлар қўйдилар. Аунг Сан ва унинг министрлари 1947 йилнинг 19 июлида Бирма мустақиллигининг душманлари томонидан ёвузларча ўлдирилган эдилар.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирма сафаридаги ҳамроҳлари, шунингдек СССРнинг Бирма Иттифоқидаги элчиси А. Д. Шчиборин ва Бирма Иттифоқининг СССРдаги элчиси У Монг Он ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин совет меҳмонлари олтин гумбазли қадимий Будда ибодатхонаси Шве-Дагонга қараб йўл олдилар. Шве-Дагон Шарқи-Жанубий Осиё буддистларининг муқаддас жойи бўлиб, Рангуннинг энг ажойиб тарихий ёдгорликларидандир.

Бу ибодатхонанинг юз метрлик чиройлик қуббаси зарҳал нақшлари блан шаҳар устида қуёш нурида ялтираб турибди. Ибодатхона бундан икки ярим минг йил илгари баланд тепалик устига қурилган ва қўп марта қўшимча қурилган ва қайта қурилган бўлса ҳам ўзининг қадимий ҳолатини сақлаб қолган. Меҳмонлар ибодатхонанинг тепасига олиб чиқадиган баланд нарвонлардан бирида юқори кўтарилиб, олтин гумбазнинг пойдевори ёнида жойлашган майдоннинг жуда бой жиҳозларини ва шу атрофда қурилган хилма-хил кичик ибодатхоналарни ҳамда Будданинг хилма-хил шакл ва турли ҳажмда ишланган безакли ҳайкалларини э'тибор блан тамоша қилдилар.

Меҳмонларни ихромнинг бошлиқларидан бири қабул қилди ва изоҳлар бериб турди.

Фахрий меҳмонлар майдонида Н. С. Хрушчев, Н. А. Булганин ва уларнинг ҳамроҳлари ҳамда матбуот вакиллари ўртасида ихромдан олинган таассурот тўғрисида суҳбат бошланиб кетди.

Меҳмонлар Шве-Дагонни кўриб чиққанларидан кейин, Рангуннинг бошқа бир чеккасидаги «Тинчлик ибодатхонаси»ни бориб кўрдилар. Бу ибодатхона 1952 йилда Бирма буддистларининг бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини нишонлаш учун Бош Министр У Нунинг ташаббуси блан қурилган эди.

Қадимий стильда қурилган ва олтин гумбазли бу ибодатхона блан бир қаторда «Чатта Сангаяна» биноси бор. Бу бино мажлислар зали бўлиб, Рангуна 1954 йилдан буён ишлаб келаётган VI буюк Будда синоди учун яқинда қурилган эди. Ички томони жуда яхши нақшланган бу зал ташқи томондан табиий тош уюмларидан иборат тепаликни эслатади ва ўзининг шу ҳолати блан афсоналарда ҳикоя қилинган ғорни тасвирлайди. Эртаклларда айтилишича, Будда халқ орасига ана шу ғордан чиқиб келган.

Совет меҳмонлари шу иншоотнинг автори архитектор блан биргаликда «ғор»нинг ичкари томондаги биноларини ва буерда сақланган Будда ёдгорликларини тамоша қилдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Рангуннинг диққатга сазовор жойларини кўриб чиққанларидан кейин Бош Министр У Ну резиденциясида унинг ҳузурида бўлдилар ва У Ну блан суҳбат қилдилар. Суҳбат вақтида А. А. Громико, П. Н. Кумикин, Д. Р. Расулов, З. Раҳимбобоева, СССРнинг Бирма Иттифоқидаги элчиси А. Д. Шчиборин ҳозир бўлдилар.

Бирма томонидан мудофаа министри У Ба Све, саноат министри У Чжо Нейн, савдо министри У Рашид, ерларни национализация қилиш министри Такин Тин, бош министрнинг секретари У Вин Пе, Бирма Иттифоқининг СССРдаги элчиси У Монг Он ҳозир бўлдилар.

Тушдан кейин зиёфат берилиб, бунда Бош Министр У Ну ҳозир бўлди. Шундан кейин Хрушчев ва Булганин ўртоқлар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари Хлаинг (ёки Рангун) дар'ёсидаги Рангун портига бордилар. Меҳмонлар «Тиа» теплоходида Бош Министр У Ну блан биргаликда дар'ё бўйлаб саёҳат қилдилар.

Рангун — Бирманинг энг муҳим денгиз портидир. Мамлакатнинг ташқи савдосидаги барча юк оборотининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи шу порт орқали ўтади. Океандан тахминан қирқ километр масофада бўлган Рангун порти 15 минг тоннагача бўлган ҳажмли кемаларни қабул қилаолади. Рангун порти урушдан илгари Осиёнинг энг яхши портларидан бири эди. Аммо, иккинчи жаҳон уруши даврида бу порт Япония авиацияси томонидан ҳам, Англия-Америка авиацияси томонидан ҳам тамомида вайрон қилинди.

Бош Министр У Ну порт тўғрисида меҳмонларга сўзлаб берар экан, Бирма ҳукумати Рангун портини тиклаш вақтида қандай қийинчиликларга дуч келаётганлигини ҳам айтди. Портни тиклаш ишлари ҳали тамом қилинган эмас ва бу портни тўла тиклаш учун еттийиллик махсус план тузилган.

Меҳмонлар асосий пристаньга қайтиб келганларидан кейин порт бошлиғи блан, теплоход капитани ва командаси блан хайрлашдилар ва ана шу ёқимли саёҳат учун уларга ташаккур изҳор қилиб, ўз резиденцияларига қайтиб келдилар.

Кечқурун Бош Министр У Ну Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига ҳамда уларнинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берди.

Бирма Иттифоқи Президенти ҳузурида зиёфат

РАНГУН, 2 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** 1 декабрьда кечқурун Рангундаги президент саройида Бирма Иттифоқи Президенти Ба У Бирмада меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирма сафаридаги ҳамроҳлари ҳозир бўлдилар. Бирма томонидан Бирма Иттифоқи ҳукуматининг Бош Министри У Ну бошчилигида ҳамма а'золари, Олий суд а'золари, Бирма Иттифоқи составидаги давлатларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ва бошқа давлатларнинг Рангундаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари бор эди.

Зиёфатнинг охирида Бирма Иттифоқи Президенти Ба У СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов соғлигига, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин соғлигига ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев соғлигига қадаҳ кўтарди.

— Мен, — деди Президент, — ўз мамлакатимизда бош министр Булганинни ва Хрушчев жаноблари ўз номимдангина эмас, балки Бирма Иттифоқи ҳукумати ва халқи номидан ҳам чин кўнгилдан ва самимий табриклайман.

Президент СССРда Бош Министр У Нуни, Ну хонимни ва уларнинг ҳамроҳларини жуда яхши ва ғоят самимий кутиб олганликлари учун меҳмонларга ва улар орқали Совет Иттифоқи ҳукумати ҳамда халқига ташаккур билдирди.

— Бундай қабул, — деди сўзини давом этдириб Президент, — бизнинг хотирамизда абадий сақланиб қолади. Эндиликда сизлар юқори лавозимни эгаллаганингиз муносабати блан иш блан ғоят банд бўлишингизга қарамай, бизга жавоб визити блан келдингиз. Сизнинг бу визитингиз яхши ниятда эканлигингизни ва бизга нисбатан дўстона муносабатда эканлигингизни исбот этади. Бизга дўстона қараётганлигингизнинг сабаби шуки, сизлар бизнинг актив бетарафлик сиёсатимизни ма'қулладингиз. Актив бетарафликнинг моҳияти беш принципдан иборатдир. Бизнинг Бош министримиз У Ну ва Ҳиндистон ҳамда Хитой Бош министрлари блан бирга сизлар ҳам бу принципларга қўшилдингиз.

Бу принциплар, — деб уқтириб ўтди Ба У, — вақтинча мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари блан илгари сурилаётгани йўқ. Бу принципларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида топиш мумкин. Бу принципларга сўздагина эмас, балки амалда ҳам риоя қилинадиган бўлса, бу ҳолда кишилар ўртасида яхши ирода қарор топади ва ер юзида тинчлик ўрнатилади.

Агар биз қалбимизнинг энг сирли жойларига мурожаат қиладиган бўлсак, танамизнинг ранги қандай бўлишига ва қаерда яшашимизга қарамай, биз тинчликни ва хавфсизликни истаётганлигимиз, ўзимиз истаганча ва ўзимизга кўпроқ манзур бўлган шаклда яшашни истаётганлигимиз аён бўлиб қолади.

Кишилар ўртасида тинчлик ва хавфсизликка эришмоқ учун ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатилиши, хусусан давлатларнинг раҳбарлари ўртасида алоқа ўрнатилиши лозим. Бунинг учун эса алоқа ўрнатилиши, хусусан давлатларнинг раҳбарлари ўртасида алоқа ўрнатилиши лозим. Сиз сафарга чиқиб, ҳозир худди шундай алоқа ўрнатмоқдасиз.

Н. А. Булганин бунга жавобан Бирма Иттифоқи Президенти соғлигига, Бирма Бош Министри соғлигига, Бирма ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқ шарафига қадаҳ кўтарди.

Н. А. Булганин Президентга мурожаат қилиб самимий ва дўстона табрик сўзлари учун ўз номидан, Н. С. Хрушчев номидан ва ўзлари блан бирга келган дўстлари номидан самимий ташаккур изҳор қилди. Рангун аҳолисининг, деди Н. А. Булганин, самимий ва шодиёна кутиб олганлиги бизни ғоят қувонтирди. Биз сизнинг мамлакатингиз блан, унинг ҳаёти ва халқи блан шахсан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлганлигимиз учун ғоят хурсандмиз. Бизнинг фикримизча, деб сўзини давом этдирди Н. А. Булганин, сизга қилган визитимиз ва шахсан алоқа боғлаш имконияти мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Сиз, бизнинг ўртамиздаги муносабатлар ма'лум беш принципга асосланади, деб та'кидладингиз. Тинч тотув бўлиб яшашнинг ана шу принциплари тинчликни мустаҳкамлашга ва тинч ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган тобора кўп давлатларни ўзига жалб этмоқда.

Сўнгра, Н. А. Булганин бундай деди: Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш халқларимизгагина фойда келтириб қолмай, шу блан бирга, Осиёда ва бутун дун'ёда тинчлик манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Бирма Бош Министри У Ну ҳузурида зиёфат

РАНГУН, 3 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевларнинг ҳамма ҳамроҳлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Бирма ҳукуматининг министрлари, министрликларнинг мас'ул ходимлари, шунингдек четэл давлатларнинг Рангундаги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат охирида Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну нутқ сўзлади.

Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Ну нутқи

Мен 1955 йил 21 октябрьда Москва аэродромида бўлган вақтимда самимий тилакларимни изҳор қилган эдим: «Ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асослар яратайлик» деган эдим, Сизнинг бепоён улуғ мамлакатингизда қилган саёҳатларим ва Совет Иттифоқи раҳбарлари ва халқи блан ошкора ва эркин суратда қилган суҳбатларим Совет Иттифоқида Бирма халқига нисбатан чексиз яхши ният ва муҳаббат бор эканлигига менда ишонч ҳосил қилди.

Мен мамлакатнинг қайсибир қисмида бўлмай, ғоят самимий кутиб олганликларига қойил қолдим ва ҳамма ерда Бирма халқига бахт-саодат ва гуллаб-яшнашни чин кўнгилдан истаганликларини кўрдим. Совет Иттифоқида шахсан ўрнатаолган алоқаларим совет халқининг халқларимиз ўртасида янада маҳкам муносабатлар ўрнатишга интилаётганликлари тўғрисида менда ҳеч қандай шубҳа қолдирмади. Мен сизнинг улуғ мамлакатингиздан кетатуриб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкам асослари муайян ва маҳкам негизларга қурилганлигини ҳис этганим учун қалбим миннатдорчилик туйғулари блан тўлиб тошган эди.

Мен мамлакатимга қайтиб келган вақтимда совет раҳбарларининг бизнинг ўртамиздаги муносабатга «бир-бирини ҳурмат қиладиган ва тинчликни сақлашда манфаатдор бўлган тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги» муносабатлар деб баҳо берганликларини кўп марта эсга олдим. Мен совет раҳбарлари территориал бутунлик ва суверенитетга, ўзаро ҳужум қилишмасликка, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка, тенглик ва ўзаро манфаатдорликка, тинч тотув бўлиб яшаш ҳамда иқтисодий ҳамкорликка асосланган принципларга катта э'тибор қилаётганликларини алоҳида уқтириб ўтдим. Бу принциплар ер юзининг каттагина қисмида тобора кўпроқ э'тироф қилинаётганлигини билиш ғоят қувончли бир ҳолдир.

Совет Иттифоқи отоқли раҳбарларининг Бирмага қилган визити ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида мавжуд бўлган дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Сиз Жаноб Олийларига шу нарса шубҳасиз ма'лумки, Бирма раҳбарлари ва Бирма халқи сизларнинг изҳор қилган яхши ниятларингизни тамомила қувватлайди. Биз шу нарсага аминмизки, Совет Иттифоқи Сиз жаноблар ва Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида катта ва кичик барча мамлакатлар блан мустаҳкам дўстлик муносабатлари ўрнатаолади.

Яшасин Совет-Бирма дўстлиги!

Шундан кейин Н. А. Булганин нутқ сўзлади.

Н. А. Булганин нутқи

Бизга қарата айтган самимий гапларингиз учун, Бош Министр жаноблари, Сизга ўз номимдан ва ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номидан ташаккур изҳор қиламан.

Биз, Сизнинг Совет Иттифоқида бўлган вақтингизда хурсанд бўлганлигингиз тўғрисидаги гапларингиздан ғоят мамнун бўлдик. Халқимиз дўстларини ҳамиша самимий ва шоду-хуррамлик блан кутиб олади.

СССРга бориб келганлигингиз натижасида совет халқининг Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасида мустаҳкам муносабатларни ривожлантиришга интилаётганлиги ва совет халқининг Бирма халқига муҳаббат ва ҳурмати катта эканлиги ҳақида чуқур ишонч ҳосил қилганлигингиз тўғрисида гапирар экансиз, янглишмайсиз.

Ма'лумки, давлатларимизнинг ижтимоий-сиёсий системалари турличадир. Аммо, бу ҳол дўст бўлиб яшашимизга ва тинч шароитдаги ҳамкорликни ривожлантиришимизга ҳалақит бермайди, чунки бизнинг халқларимиз тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга астойдил интилмоқдалар. Бу тинчлик инсоният бахт-саодати йўлида хавф-хатарсиз тинч яшаш учун зарурдир.

Территориал бутунликни ва суверенитетни ҳурмат қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенглик, ва савдо ҳамда маданий алоқалар соҳасида ўзаро манфаатдорлик — бошқа мамлакатларга нисбатан бўлган муносабатларимизда ҳамиша бизнинг сиёсатимиз бўлиб келди. Бирма Иттифоқи блан бўлган муносабатларимиз ҳам ана шу асосга қурилгандир.

Биз, шу нарсадан қаноат ҳосил қиламизки, Москвада бўлган ва буерда давом этдирган шахсий алоқаларимиз халқаро миқ'ёсдаги бирқанча проблемалар юзасидан ва ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги алоқа ҳамда ҳамкорлик масалалари юзасидан янада мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришга ёрдам берди.

Биз, сизнинг юртингизда атиги икки кун бўлдик, шунга қарамай биз Бирма халқи тинчликка ва тинч меҳнатга астойдил интилаётганлигини кўрдик ва бунга қаноат ҳосил қилдик.

Биз шу нарсадан хурсандмизки, Бирма халқи мустамлака ҳукмронлиги, четэл интервенцияси ва вайронагарчилик урушининг оғир оқибатларини тугатиш соҳасида ба'зи муваффақиятларга эришди. Биз, мамлакатингизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши йўлида янада катта муваффақиятларга эришмоғингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

Бош Министр жаноблари, Сиз Москвада бўлган вақтингизда ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона муносабатларнинг мустаҳкам асосларини ўрнатиш тўғрисидаги истагингизни изҳор қилган эдингиз, биз буни қизғин табриклаган эдик. Эндиликда Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги дўстона муносабатлар факт бўлиб қолди. Давлатларимиз ўртасидаги ана шу муносабатларни ривожлантираберайлик ва мустаҳкамлайберайлик.

Яшасин Бирма блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

Н. А. Булганин сўзининг охирида Бош Министр У Ну нутқ сўзлади.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирмада бўлиши

РАНГУН, 3 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун эрта блан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Рангундан Бирма Иттифоқининг шарқи-шимолий қисмида жойлашган Шан давлатига жўнаб кетдилар. Самолёт Шан давлатининг пойтахти Таунгджидан 35 километр ғарбдаги Хехо шаҳрига қараб йўл олди.

Бирманинг денгиз юзидан 1000 метр баландликда бўлган ана шу ҳушманзара районида гўзал Инле деган машҳур кўл бор. Совет меҳмонлари бугун ана шу кўлни бориб кўрдилар.

Совет меҳмонлари шу куни Шан давлатининг пойтахти Таунгджига борадилар. Эртага совет меҳмонлари мамлакатнинг аҳамияти жиҳатдан иккинчи шаҳри бўлган Мандалайни бориб кўрадилар.

СОВЕТ АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ С'ЕЗДИ

1 декабрьдаги кечки мажлисда архитектор **М. Я. Порт** (Эстония) сўзга чиқди. У ба'зи архитекторларнинг бирхилдаги униификацияли типовой проект ҳамма иттифоқчи республикалар учун яроқли деб ҳисоблашлари хато эканлигини кўрсатиб ўтди. Шу билан бирга бундай проектлар жуда ҳам универсал бўлганлиги учун республикада улардан фойдаланиш кечикди, бу проектларни маҳаллий шароитга мослаштириб қайтадан ишлаб чиқишга тўғри келди.

Профессор **Олджрих Стари** катта нутқ сўзлади. С'езд делегатлари уни қизғин кутиб олдилар. У, Чехословакия ме'морлари номидан совет архитекторларига салом топширди.

Архитектор **Л. В. Руднев** рус классик архитектурасини ижодий суратда ўзлаштириш проблемаси тўғрисида, шаҳарларни кўкламзорлаштириш, кварталларни планлаштириш ҳақида гапирди.

Архитектор — **Г. А. Захаров** ўз ишларининг тўғри танқид қилинганлигини айтди ва ўзи томонидан йўл қўйилган катта хатони тугатмоқ учун бутун куч-қувватини сарфлажагига с'езд делегатларини ишонтирди.

С'ездда Мурманскнинг бош архитектори **А. Ф. Антонов**, инженер-конструктор **П. А. Красильников**, Сталино шаҳрининг бош архитектори **Л. Берберов** ва бошқалар ҳам сўзладилар.

С'езд делегатлари с'езд номига мамлакатнинг турли районларидан меҳнаткашлардан жуда кўплаб хатлар олинаётганлиги ҳақидаги хабарни зўр э'тибор блан тингладилар. Ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ер-сувчилар ишлари блан шуғулланучи хотин-қизлар ме'морларга ишда муваффақиятлар тилайдилар. Хатларни ёзган кишилар уй-жой қурилишидаги камчиликларни кўрсатмоқдалар. Уларнинг маслаҳатлари турар уйларда энг яхши қулайликлар барпо этишда архитекторларга ва қурувчиларга ёрдам беради. (ТАСС).

*

Совет архитекторлари Иккинчи Бутуниттифоқ с'езднинг делегатлари 2 декабрьда докладларни муҳокама қилишни давом эттирдилар.

СССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари Давлат комитетининг уй-жой ва граждан иншоотлар бўлими бошлиғи **Н. Н. Смирнов**га сўз берилади. У, биноларни индивидуал проектлар бўйича қуриш-қурилишдаги ортиқчаликларнинг сабабларидан бириидир, деди.

Практика шуни та'кидлайдики, типовой проектлар бўйича бутун-бутун поселка ва шаҳарларни тез, чиройли ва арзон қуриш мумкин. Нотиқ буни та'киллаш учун янги Каховкани, Запорожье, Чебоксарини ва бошқа шаҳарларни мисол қилиб келтирдики, бу ерларда типовой проектлар бўйича катта-катта кварталлар қурилган.

Нотиқ келгуси йилда мамлакатнинг турли иқлим зоналарида уй-жойлар, мактаблар, клублар, кинотеатрлар, санаториялар қуриш учун типовой проектларни ишлаб бериш юзасидан бирқанча очиқ конкурслар ўтказишга қарор берилганлигини айтди. Бу конкурслар қурилиш ишларининг сифатини яхшилашга, қурилишнинг қимматини камайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Совет архитекторлари союзи правлениесининг раиси **М. С. Булатовнинг** айтишича, уй-жой қурилишини рационал равишда жойлаштириш, шаҳарларда қурилиш ишларини механизациялаш ускуналари тайёрлаб берадиган корхоналар қуриш йўли блан жуда катта маблағларни иқтисод қилиш мумкин. Айрим идораларнинг манфаатлари давлат манфаатларидан устун кўрилганлиги оқибатида бирқанча шаҳарларда мустақил водопроводлари ва қозон цехлари бўлган биноолар қурилган. Шаҳарларни қуришда идоралар ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш вақти келди.

Собиқ архитектура академиясининг илмий ишлар блан қониқарсиз шуғулланишига олиб келган жиддий сабабларидан бири шуки, деди ўртоқ Булатов, бу академия тор доирадаги илмий ходимлар блан кифояланиб иш кўрди, архитектура-қурилиш практикасидан узоқлашиб қолди. Маҳаллий ташкилотларнинг талаблари унутиб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг специфик шароитидаги қурилиш ишларига доир актуал ва мураккаб масалалар Академиянинг ишида ўз ифодасини мутлақо топмади ва шу кунгача ҳал қилинмай келмоқда. Бу эса Ўрта Осиё республикаларида архитектурани ривожлантиришга жуда ёмон та'сир қилмоқда.

Жанубдаги шаҳарлар учун типовой уй-жой биноолари проектларини тайёрлаш иши блан шуғулланучи архитекторлар олдида бу биноларда «сун'ий иқлим» яратиш проблемаси турибди. Ўрта Осиё шароитида ҳавони кондиционлаштириш эсб-зийнат эмас, балки зарурий нарсадир.

Москванинг бинокорлик материаллар саноати узлуксиз равишда кенгайиб бормоқда. Бу йил Москва шаҳар ижроия комитетининг қурилиш детальлари тайёрловчи корхоналари ёлғиз ўзлари бирнеча юз минг кубометр йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаради. Ҳозирги вақтда бу корхоналарни ихтисослаштириш иши олиб борилмоқдаки, бу эса 1956 йилдаёқ маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имкониятини беради. Деворлар учун ишлатиладиган блокларнинг тежамли турларини ва бошқа хил детальларни ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Москва шаҳар ижроия комитети қурилиш детальлари саноати бошқармасининг бошлиғи **С. П. Майоров** саноатнинг бу тормоғини янада ривожлантиришга ҳалақит бераётган сабаблар тўғрисида сўзлади. Детальларнинг номенклатураси ортиқ даражада кўп бўлганлиги, деди у, материалларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, уларнинг таннархини камайтиришга ҳалақит бермоқда. Масалан, зинапояларнинг ўзи 26 хил ҳажмда, дераза таглари эса 12 хил ҳажмда тайёрланади.

Нотиқ йирик панельли қурилишдаги бирқанча камчиликларга э'тиборни жалб қилди. Гарчи уй-жой қуришнинг бу хили энг индустриал усул бўлса ҳам, архитекторлар ва проектчиларнинг айби блан қурилишнинг бу хили гиштдан қилинаётган қурилишларга қараганда анча қиммат-га тушадиган бўлиб қолди.

Красноярск шаҳарлар бош архитектори **Г. Б. Кочар** шаҳарларни қуриш практикасини ўзгартириш зарурлиги ҳақида гапирди. Красноярск учун бошқа шаҳарлардаги 30 дан ортиқ ташкилот ва 11 та маҳаллий проектлаш контори проектлар тайёрламоқда. Бундай аҳволда шаҳарни қуришда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Архитекторлар кетма-кет келиб турибди, кўпинча улар сифатсиз, маҳаллий шароитга жавоб бермайдиган проектларни олиб келишади. Комачдировкалар, экспертиза, проектларни қайтадан ишлаш учун жуда кўп маблағ сарфланади. Мана буларнинг ҳаммаси қурилиш сур'атларини сусайтиради. Проектлаш ишини тезроқ қайтадан қуриш, проектлаш ташкилотларини ихтисослаштириш керак.

Москвали донгдор гишт теручи, новатор **И. П. Ширнов** сўзга чиқади.

Мен пойтахтдаги қурилишларда 30 йилга яқин ишлаб келмоқламан, неча-неча йиллаб уй-жой ва маданий-маиший биноолар қурдим, уларнинг деворларига миллионларча гишт тердим, деди у. Менга яхши проектлар бўйича ҳам ва ёмон проектлар бўйича ҳам уйлар қуришга тўғри келди. кераксиз ҳашамлари кўп бўлган биноолар ҳамиша бизнинг ишимизни тўсиб келди, бу хил биноолар давлат учун қимматга тушди. Партия ва ҳукуматнинг проектлаш ва қурилишдаги ортиқчаликларни йўқотиш тўғрисидаги қарори—архитекторлар ва қурувчиларнинг жанговор иш программасидир. Биз бу қарорни шараф блан бажаришимиз керак.

Архитектор **А. Г. Мордвинов** с'ездга сўзга чиқиб, ўзининг ижодий хатоларини э'тироф қилди.

Докладлар юзасидан ҳаммаси бўлиб 65 киши сўзга чиқди.

С'езд делегатлари музокараларни тўхтатишга қарор қилдилар. **П. В. Абросимов** қисқача якунловчи нутқ сўзлади.

3 декабрьда с'езд ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

Қорасув районидаги Ленин номли колхоз ўзининг теплица комбинатида ҳархил сабзавот ва кўкатлар етиштирмоқда. Теплицада қишда етиштирилган помидор ва шунга ўхшаш сабзавотларни декабрь ойининг биринчи ярмида йиғиб-териш бошланади, ҳамда, шаҳар меҳнаткашларига юборилади. **Суратда:** колхозчи **Ким'ё Толипова** помидор ўсимликларидаги бачки новдаларни юлмоқда.

Х. Хайитмуҳамедов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги дори-дармонлар

ВИТАМИН Р

СССР Фанлар академияси Бах номли биохимия институтининг бир группа илмий ходимлари чой барги чиқиндисидан янги хил витамин тайёрлашни кашф қилдилар. Ўтказилган клиник текширишлар натижасида Р номли бу янги витаминнинг қон томирларининг ўтказучанлик, сингдиручанлик хусусияти блан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда жуда яхши эффект бериши аниқланди. Шунингдек, витамин Р қиши организмининг бирор а'зоси шишганда, кўз қон талаш бўлиб қолганда ва жигар касалланганда ҳам тез ва яхши даволаш воситаси эканлиги исботланди.

НАТУРОЗА

Натуроза — узум шарбатидан тайёрланадиган дори бўлиб, унинг таркибида асосан глюкоза, фруктоза ва бошқа шакарли моддалар, С ва В витаминлари, ферментлар, минерал моддалар бор. Бу дори кўп қон йўқотилганда, мия касалланганда касални операция қилиш пайтида унинг юрак ва қон томирлари фаолиятини нормаллаштириб туриида, нерв системаси ҳаддан ташқари чарчаганда, кишининг иштаҳаси бўғилган ва организми чарчаган ҳолларда исте'мол қилинади. Уни ампула шаклида ишлаб чиқарилади ва вена қон томири ичига юборилади.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Семашко номли завод коллективи яқинда бу янги дорини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

КОЛХАМИН МАЗИ

Бутуниттифоқ химия-фармацевтика илмий-текшириш институти коллективи колхамин номли янги препарат яратди. Колхамин «безвременник великолепний» деган ўсимликдан олиниб, мазь шаклида тайёрланади.

Колхамин мази киши териси биринчи ва иккинчи стадия рак касали блан оғриганда қўлланилади. Даволаш методи жуда содда — терининг шишган жойига 1—1,5 грамм колхамин мази сурилади, сўнг устидан ўраб, малхам блан беркитиб қўйилади ва орадан 18 — 25 кун ўтгач, рак тузалади.

Ҳозир илмий-текшириш институтининг тажриба заводи колхамин мазининг дастлабки партиясини ишлаб чиқарди.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратамиз

КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини изчиллик блан амалга ошириш учун курашган Мирзачўл районининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги экинларидан, айниқса пахтадан мўл ҳосил етиштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг янги ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари бажарилиб, экиш майдонлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу йил пахта майдонимиз 11753 гектарга етди. Янги ўзлаштирилган ерларда М. Горький номли, Будённий номли, Булганин номли колхозлар ташкил қилинди.

Бу йил ҳамма колхозларимизда чигит кенг миқ'ёсда янги, прогрессив усулда экилди.

Районнинг партия, совет ташкилотлари ва МТСлар етиштирилган мўл ҳосилни уюшқоқлик блан тез йиғиштириб олишга катта э'тибор бердилар. Колхозлар, бригада, звенолар ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси кенг кўламда кучайтирилди, ҳамма колхозларда кўпнинг килограммчилар ҳаракати авж олдирилди. Колхоз партия ташкилотлари теримчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини, уни нобуд қилмай териб олишнинг ҳам давлат, ҳам колхоз манфаатига катта фойда етказишини кенг тушунтириш тадбирларини кўрдилар. Мусобақанинг амалий бўлиши учун мажбуриятларнинг бажарилиши системали равишда якунланиб, илғорлар рағбатлантирилди, ишда учраган камчиликлар тезда бартараф қилиб борилди. Колхозлардаги коммунист ва комсомолларнинг кўпчилиги бевосита ишлабчиқариш бригадаларида ишладилар.

Бу тадбирлар натижасида колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб, уларнинг кўпчилиги топшириқларни ортиги блан бажардилар. Теримда алоҳида маҳорат кўрсатган колхозчиларимиздан 22 киши Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотланди, юзлаб теримчи, ўнлаб илғор аравакашлар колхоз партия ташкилотлари ва правлениелари томонидан тақдирландилар. Терим сур'ати тезлашиб, графиклар бир ме'ёрда бажарилди. Натижада район колхозлари давлат пахта тайёрлаш планини 24 ноябрьда ортиги блан бажардилар. Топширилган пахтанинг 85 процента отбор ва биринчи сортларга қабул қилинди.

Янги агротехникани усталик блан қўллаб, мўл ҳосил етиштиришда, йиғим-теримни тўғри уюштириб, давлат планини ошириб бажаришда кўп колхозларимиз муваффақиятга эришдилар. «Октябрь» колхозида (раиси Брухтий, партия ташкилотининг секретари Захарченко ўртоқлар) ҳозиргача ҳар гектар ердан 26,5 центнердан, «Коммуна» колхозида (раиси ўртоқ Содиқов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жўраев) ҳар гектардан шу кунгача 26 центнердан пахта топширилди. Шу колхознинг Обид Қуйчиев бошлиқ бригада а'золари ҳар гектардан 35 центнердан, «Октябрь» колхозининг Абдулла Султонов бошлиқ бригада а'золари 36 центнердан, Ленин номли колхознинг Ҳайдар Маражабов бошлиқ звено а'золари ҳар гектардан 42 центнердан пахта ҳосили етиштирдилар. Чигитни квадрат-уялаб экиб, мўл ҳосил етиштирган илғор колхоз, бригада ва звенолар сони ошди.

Бизнинг катта ютуқларимиздан яна бири шу бўлдики, бу йил қолоқ кўпгина колхозларимиз илғорлар даражасига кўтарилди. Район партия комитети йил бошиданоқ қолоқ колхозларни мустаҳкамлашга жиддий киришди. Қолоқ ҳисобланган Ленин номли колхозга ишчан-ташкилотчи кадрлар юборилди. Колхозчилар райкомнинг а'зоси Ўртоқ Йўлдошевни колхоз раислигига, коммунистлар агроном Ўртоқ Шодмоновни партия ташкилоти секретарьлигига сайладилар. Кўпгина бригадалар рахбарлигига тажрибали колхозчилар кўтарилди. 2-нчи МТС ҳам бу колхозга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилади. Колхозда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, ишлабчиқаришни тўғри уюштириш мумкин бўлди. Натижада колхоз пахта тайёрлаш планини районда биринчилар қаторида бажарди. 664 гектар ернинг ҳар гектаридан шу кунгача 25 центнердан пахта топширилиб, йиллик пахта тайёрлаш планы 113 процент бажарилди. Ленин номли колхозда ўтган йили ҳар меҳнат кунига 4 сўмдан пул тақсим қилинган бўлса, бу йил ҳар меҳнат кунига 13 сўмдан пул, 3 килограммдан ғалла тақсимланиши мўлжалланмоқда.

Каганович номли, Охунбобоев номли колхозлар ҳам бу йил қолоқликдан чиқдилар, давлат планини ошириб бажариб кўп даромад қилмоқдалар.

Ҳозиргача райондаги 21 колхоздан 12 таси пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди, қолганларининг кўпчилиги бажариш арафасида турипти. Яқинда бўлган партия, совет активларининг йиғилишида ҳали колхозларда анчагина пахта ҳосили бор эканлиги аниқланди ва бу ҳосилни ҳам сра нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди. Биз колхозларда, МТСларда ва бригадаларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мурожаатини кенг муҳокама қилиб чиқдик ва давлатга яна 2000 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдик. Бу мажбуриятни тезда бажариш учун ҳарбир колхоз, бригадага конкрет топшириқлар берилди.

Районимиз пахтакорлари бу йилни ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилмоқда. Давлатга гўшт, сут топшириш плани ҳам бажарилди. Давлатга пилла топшириш плани 120 процент, жун топшириш 117 процент, шоли топшириш 104 процент, ғалла топшириш эса 106 процент қилиб бажарилди.

Мирзачўл районининг меҳнаткашлари партия, ҳукумат томонидан берилаётган гоят катта ёрдамларга жавобан янада янги ғалабаларни қўлга киритиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Келгуси йил пахта майдонларида янада кўпроқ ҳосил етиштириш учун ҳозирдан бошлаб пухта замин ҳозирланмоқда. Биз даладаги ҳосилнинг ҳаммасини 10 декабрьгача батамом йиғиштириб олиш блан бирга 15 декабрьга қадар экин майдонининг ҳаммасини шудгорлаймиз ва 10 минг гектар ернинг шўрини ювамиз.

Колхозлардаги бутун имкониятлар ҳисобга олиниб, кузги-қишки ишларда ишлаш учун 5000 киши сафарбар этилди. Бу эса ғўзапояларни йиғиштириб олиш, шудгорлаш, ер шўрини ювиш ишларини тезлаштириб юборишимкониятини берди. Колхозларимиз йиғим-теримни кузги-қишки ишлар блан боғлаб олиб бормоқдалар. Об-ҳавонинг қулай келиши кунига 600—700 гектар ердаги ғўзапояни корчовка қилиш имкониятини бермоқда. Илғор колхозларнинг раҳбарлари тракторларнинг икки сменада ишлашини та'минлаб, ҳарбир тракторнинг 10 гектардан ерни шудгор қилишига эришмоқдалар.

Лекин ҳали ишимизда анчагина камчиликлар бор. Бу камчиликларнинг кўпи 1-нчи МТС хизмат қилаётган колхозларда рўй бераётир. МТС зонаси бўйича пахта тайёрлаш плани сустлик блан бажарилаётир. МТС раҳбарларининг бегамлиги орқасида «Ленинизм», Жданов номли, Хрушчев номли колхозларда кўрак териш иши яхши бормаётир, ғўзапояни корчовка қилишга тўла киришилмаган, шудгорлаш иши ниҳоят даражада қониқарсиз бормоқда. Шунга қарамай МТС директори Акрамов, партия ташкилотининг секретари Ҳолиқов, МТС бош агрономи Сутюшев ва райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Дониёров ўртоқлар етарли ташкилотчилик кўрсатмаётирлар. Колхоз ва бригадаларда ишни ташкил қилиш, колхозчи ва механизаторларнинг топширилган ишга мас'улиятини оширишда етарли талабчанлик қилмаётирлар.

Область ташкилотлари, айниқса область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг бошлиғи ўртоқ Молчанов МТСларга яқиндан ёрдам бермаётир. Тракторларни запас қисмлар блан та'минлаш ҳақидаги берилган заявкалар кўпинча оқибатсиз қолиб кетмоқда. Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг айби блан ҳалигача ҳайдов тракторларининг 40 процента запас қисмлар блан та'минланмаган. Қисқа вақт ичида районда 3000 гектар бўз ер очилиши керак эди. Ер қазиш машиналарининг ўз вақтида ремонтдан чиқарилмаганлиги натижасида бу иш кечикаётир.

Мирзачўл — областимизнинг йирик пахтакор районларидан бири ҳисобланади. Бу эса партия ташкилотлари, колхозчилар, МТС механизаторларининг янада самарали ишлашини талаб қилади. Партиямиз XX с'ездини муносиб совга блан кутиб олиш учун курашаётган районимизнинг меҳнаткашлари янада ғайрат блан ишлаб, етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай қисқа вақтда йиғиштириб оладилар ва келгуси йилнинг мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратадилар.

К. УКУБОЕВ,
Ўзбекистон КП Мирзачўл район комитетининг секретари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,07	108,67	Пискент	0,04	102,18
Оржоникидзе	0,12	105,85	Сирдар'ё	0,19	101,54
Гулистон	0,23	105,77	Ғўка	0,06	100,69
Ховос	0,73	104,60	Ўртачирчиқ	0,18	99,38
Оҳангарон	—	104,57	Верхне-волинск	0,16	99,01
Октябрь	0,27	104,37	Чиноз	0,17	97,47
Калинин	0,23	104,18	Бекобод	0,36	94,93
Мирзачўл	0,15	103,11	Оққўрғон	0,27	94,73
Янгийўл	0,24	102,92	Қуйичирчиқ	0,30	88,53
Юқоричирчиқ	0,08	102,72	Боёвут	0,29	80,79

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	—	107,31
«Малик»	0,22	94,28
16-нчи совхоз	0,34	93,48
1-нчи «Далварзин»	0,49	89,84
«ЎзССР бешйиллиги»	0,30	88,53
17-нчи совхоз	0,37	88,40
3-нчи «Далварзин»	0,25	85,58
2-нчи «Далварзин»	0,55	85,54
1-нчи «Боёвут»	0,11	83,83
Кўкорол	—	82,43
3-нчи «Боёвут»	0,28	75,74
3-нчи Вревский	1,03	73,95
2-нчи «Боёвут»	0,17	72,41
10-нчи совхоз	—	72,40
4-нчи «Боёвут»	0,41	66,58

Идеология ишларининг ҳаётдан ажралиб қолишига хотима берилсин

Бизнинг партиямиз кейинги йилларда саноатни, даставвал оғир индустрияни янада ривожлантириш, унинг техникасини тараққий этдириш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш ва халқ исте'моли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида бирқанча катта тадбирларни амалга оширмоқда. Совет халқи қийинчиликларни бартараф қилиб, партия раҳбарлиги остида социалистик экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

Шу блан бирга, шу нарсани қат'ий та'кидлаб ўтиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг январь ва июль Пленумлари томонидан қўйилган гоят катта вазифалар совет халқидан саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни янада ривожлантириш йўлида зўр ғайрат блан ишлашни талаб этади. Тарихий жиҳатдан муҳим бўлган бу вазифаларни амалга ошириш учун бутун партиявий-сиёсий, идеологик ишимизни жиддий суратда яхшилаш, бу ишни коммунистик қурилиш практикаси блан, ҳозирги даврнинг муайян амалий вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб бориш талаб этилади.

Марксизм-ленинизм революцион назария амалий ишга қўлланмадир, назария практикадан ажралиб қолса, ўлик бир нарса бўлади, революцион назария блан ёритилмаган, тараққиётнинг перспективаларини кўрмайдиган практика эса, кўр-кўрона бир нарсадир, деб та'лим беради. Социалистик қурилишнинг барча соҳаларига тўғри раҳбарлик қилиш вазифалари кадрларимизнинг марксча-ленинча назария асосларини эгаллашларини, амалий ишларга доир масалаларни ҳал этган пайтда назарияга амал қилабилишларини талаб этади.

Лекин шунга қарамай, партия ташкилотларининг ходимларидан кўплари идеология ишлари вазифаларини шу вақтгача нотўғри тушуниб келмоқдалар, идеология, оммавий-сиёсий ва пропаганда ишларида катта-катта камчилик ва хатолар бор. Ҳозирги вақтда идеология ишидаги асосий камчилик — коммунистик қурилиш практикасидан ажралиб қолишдан, коммунистик қурилишнинг турмуш томонидан синаб кўрилган илғор намуналарини умумлаштира билмаслиқ ва тез ёзбилмасликдан, идеология ишларимизни олға қараб қилаётган ҳаракатимизга халақит бераётган салбий ҳодисаларга қарши сафарбар қилабилмасликдан иборат.

Ҳозирги вақтда бўлаётган партия конференцияларида партия ташкилотларининг кўпгина ходимлари идеология ишларини практикадан ажратиб олиб боришга уринаётганликлари, идеология ишини амалий ишлар блан боғлаб олиб бораётган кишиларни эса кўпинча амалиётчиликда ва бачкаликда айблаётганликлари кўрсатиб ўтилмоқда. Улуг Ленин «Ҳозир бутун гап **практикададир**, назария практикага айланадиган, практика блан жонлантириладиган, практика блан тузатиладиган, практика блан текшириладиган ва Марксниг: «Амалий ҳаракатнинг ҳарбир қадами бир дюжина программадан муҳимроқ...» деб айтган сўзлари айниқса тўғри чиққан тарихий пайт келди» деган эди. Ба'зи ходимлар улуг Ленининг ана шу кўрсатмасини эсдан чиқариб қўйган бўлсалар керак.

Назариянинг практика блан боғланишига етарли баҳо бермаётган ва идеология ишларини ҳаётдан ажратиб олиб боришга уринаётган ходимлар пропаганда масаласида диний э'тиқодлар позициясига ўтадилар, улар коммунизм тўғрисида қандайдир узоқ бир мақсад тўғрисида сўзлагандек гапирадилар ҳамда пропаганда ва агитация ишларимизни ҳозирги пайтнинг конкрет вазифалари блан, ҳарбир корхона, колхоз, бригада, ферманинг маҳсулот тайёрлашни қўпайтириш соҳасидаги вазифалари блан боғлаб олиб бормайдилар.

Партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган идеология ишлари шундай қурилиши керакки, бу иш кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаб, мамлакатимизнинг коммунизм сари олға ҳаракат қилиб боришини тезлаштирсин. Бунинг ма'носи шуки, идеология ишларини турмушдан ажратиб олиб бориш ярамайди, бу ишни марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўрганишдангина ва марксча-ленинча назарияни мамлакатимизнинг меҳнаткашларига тушунтириб беришдангина иборат деб билиш ярамайди. Бизда социалистик жамият асосан қурилган ва коммунизмга аста-секин ўтишдан иборат буюк вазифалар олдимизга қўйилган бир пайтда асосий нарса марксизм-ленинизм назариясини тушунтириб бериш блан чекланмай, шу блан бирга, бу назарияни амалга оширишдан, совет кишиларининг моддий ва маданий нозу-не'маталарини мўлкўл қилишга, уларнинг онглилик даражасини юксалтиришга эришишдан ҳам иборат.

Марксизм-ленинизмни ўрганиш, социалистик жамият тараққиёти назариясини ўрганиш амалий ишларимизни такомиллаштиришга ёрдам бериши, экономикамизнинг мавж уриб гуллаб-яшнашини ва мамлакатимизнинг халқаро позицияларини янада мустаҳкамлашни та'минлаши лозим. Бу эса, ҳозирги пайтдаги бутун идеология ишларимизда энг муҳим, энг асосий нарсадир.

Партия ташкилотларининг бутун фаолиятида назария блан коммунистик қурилишнинг практикаси ўртасидаги зарарли ажралишга қат'ий хотима бериш зарур.

«Правда»нинг бугунги сонида хабар берилишича, Тамбов областидаги кўпгина партия ташкилотларида партия пропагандаси меҳнаткашларнинг ҳаёти блан, корхоналар, колхозлар, районларнинг амалий вазифалари блан боғлаб олиб борилмаётир. Афсуски, бу ҳол бошқа жойларда ҳам учраб туради. Пропагандистларимиз ва агитаторларимиз, кўпгина газета ва журналларимиз пропаганда ишларини кўпинча юзаки ва абстракт равишда олиб бормоқдалар, хўжаликнинг ҳарбир тормоғидаги, ҳарбир корхона ёки колхоздаги ҳақиқий аҳволни конкрет анализ қилмайдилар, камчиликлар, бюрократизм ва ландавурлик каби ҳолларни танқид қилишни кўнгилдагидек кучайтирмаётирлар, бизда мавжуд бўлган қийинчиликларни бартараф қилиш учун курашда лозим даражада активлик кўрсатмаётирлар. Ҳам оғзаки, ҳам босма пропагандада ва агитация ишларидаги ана шу камчиликларга қат'ий хотима бериш керак. Биз В. И. Ленининг: «сиёсий валдираштар камроқ бўлсин, коммунистик қурилишнинг оддий, аммо жонли, ҳаётдан олинган, ҳаёт блан синаб кўрилган фактларига кўпроқ э'тибор берилсин...» деган сўзларини доим эсда тутишимиз керак.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини ўрганишлари, уларни қизиқтираётган ва ҳаяжонлантираётган масалаларни билиб олишлари ва шуни ҳисобга олиб, агитация ҳамда пропагандани уюштиришлари керак. Бизнинг пропаганда ва агитациямиз мазмунли ва ҳужумкор бўлиши керак. Бизнинг пропаганда ва агитациямиз ютуқ ва муваффақиятларни кўрсатиш блан бирга, камчиликларни, ўсишимиздаги қийинчиликларни ҳам очиб ташлаши, ана шу камчилик ва қийинчиликларнинг сабабларини ҳамда уларнинг муваққат характерга эга эканлигини тушунтириб бериши, қийинчиликларни тезликда бартараф қилиш йўлларини кўрсатиши, совет кишиларининг куч-ғайратларини мавжуд камчиликларни йўқотишга сафарбар қилиши ҳам лозим. Бизнинг пропагандамиз ростгўйлиги, конкретлиги, оммабоплиги ва та'сирчанлиги блан кучлидир.

Коммунистик партиянинг идеология иши доим жанговарлик руҳи блан, бизга ёт бўлган буржуа идеологиясининг ҳарқандай кўринишларига қарши қат'ий кураш олиб бориши блан фарқ қилиб келди. Буржуа идеологиясига ва буржуача дунёқарашга қарши, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш янада та'сирлироқ ва конкрет характерда бўлиши лозим.

Идеология иши совет кишиларини меҳнатга, жамоат социалистик мулкита коммунистик муносабатда бўлиш руҳида кун сайин тарбиялаши, совет ватанпарварлигини ва мамлакатимиз халқларининг дўстлигини ривожлантириши, меҳнаткашларни жамиятнинг ишлаб чиқаручи кучларини янада ривожлантиришга сафарбар қилиши керак. Идеология ишимиз моддий бойликларни кўпайтириш учун, мамлакатимизда мўлкўлчиликни вужудга келтириш учун, маданият ҳамда фанни ривожлантириш учун курашга қаратилиши лозим эканлигини ҳарбир коммунист ва айниқса ҳарбир раҳбар ходим эсда тутиши керак.

Совет кишилари В. И. Ленининг социалистик тузумнинг капиталистик тузум устидан ғалабаси правардида юксакроқ меҳнат унумдорлиги натижасида та'минланиши мумкин бу эса ҳарқандай капиталистик мамлакатга нисбатан ва ҳатто энг ривожланган капиталистик мамлакатга нисбатан ҳам кўпроқ миқдорда моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва меҳнаткашларни та'минлашнинг юксакроқ даражасига эришиш демакдир, деган кўрсатмасини аниқ-равшан билишлари ва маҳкам эсда тутишлари лозим. Биз бунга техникамизни такомиллаштириш, халқ хўжалигининг барча тормоқларини тўғри уюштириш натижасида ва корхоналар, колхозлар, МТС ва совхозларнинг конкрет хўжалик фаолиятига партия ташкилотларининг бевосита аралашуви йўли блан эришиш мумкин.

Ҳозирги даврда партия, хўжалик ва совет кадрларининг иқтисодий билими, уларнинг марксча-ленинча сиёсий иқтисод билимини эгаллашлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги экономикасини яхши билишлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Социалистик қурилишнинг барча тормоқларига тўғри раҳбарлик қилиш вазифалари буни қаттиқ талаб этмоқда. Ҳозирги вақтда бусиз самарали раҳбарлик қилиш мумкин эмас.

Ҳолбуки партия, совет ва хўжалик кадрларимизнинг иқтисодий билимини оширишга кўпинча етарли баҳо берилмаётир. Марксча-ленинча сиёсий иқтисодни пропаганда қилишни, конкрет экономика масалаларини пропаганда қилишни, партия ва ҳукуматнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан чиқарган қарорларини пропаганда қилишни кескин суратда яхшилаш — партия ташкилотларининг энг муҳим вурчидир.

Оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялашда кишиларга кўпинча дифференциал қарашнинг йўқлиги идеология ишидаги жиддий камчиликдир. Бизда ўз постларида фидокорона ишлаётган илғор кишилар кўп. Аммо, меҳнатга бепарво қараётган қолоқ кайфиятдаги кишилар, дангасалар ва виждонсиз кишилар ҳам бор. Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши қат'ий кураш олиб бориш, ана шундай сарқитларни ташучи кишиларни фош қилиб ташлаш керак.

Идеология ишига раҳбарлик қилиш — партия ташкилотларининг биринчи ғалдаги вазифасидир. Ҳозирги вақтда бўлаётган партия конференцияларининг идеология ишига доир энг муҳим масалаларни ҳартомонлама муҳокама қилишлари, бу ишни тубдан яхшилаш учун конкрет тадбирлар белгилашлари жуда муҳимдир. Партия комитетлари идеология масалалари блан кунсайин ва конкрет равишда шуғулланишлари, идеология фронтининг ходимлари олдига, партия аппаратининг идеология масалалари блан махсус шуғулланадиган ходимлари олдига катта талаб қўйишлари керак. Пропаганда ва агитация ишларига раҳбарлик қилишда матбуотимиздан тўла равишда фойдаланиш лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг XX с'ездини кутиб олмоқда. Бу с'езд совет халқини мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлида бундан бўён олиб бориладиган кураш программаси блан қуроллантиради. Барча совет кишилари ана шу шонли воқиани ишлабчи

СССР Конституцияси қуёши остида

☆ ☆ ☆

Социализм ғалабасининг енгилмас байроғи

Бундан 19 йил илгари — 1936 йил 5 декабрьда Бутуниттифоқ Советларининг Фавқулодда VIII с'езди томонидан қабул қилинган СССРнинг янги Конституцияси мамлакатимиз социализмни қуриб тугаллаш ва аста-секин коммунизмга ўтиш даврига кирганлигини билдирди. Шундан бери ўтган давр мамлакатимизда коммунистик қурилиш соҳасида ғоят катта ютуқларга эришилган, социалистик давлатнинг халқаро миқ'ёсдаги обрўси ва мавқи' мислсиз даражада ўсган, тинчлик, демократия ва социализмнинг жаҳон лагери вужудга келган ва мустаҳкамланган даврдир бўлди.

Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида мамлакатимизда капиталистлар ва помешчиклар ҳокимияти ағдариб ташланди, пролетариат диктатураси ўрнатилди. Халқимиз Коммунистик партия раҳбарлиги остида қўлга киритган дастлабки ҳал қилувчи бу ғалабалар 1918 йилда қабул қилинган биринчи Совет Конституциясида ўз ифодасини топди.

1922 йилда совет халқларининг тўла тенглик ва эркин тараққий этиш асосига қурилган улуғ оиласи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи вужудга келди. Шу муносабат блан 1924 йилда СССРнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Бу давр янги иқтисодий сиёсат амалга оширилаётганлиги туфайли СССРнинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Ишлабчиқариш воситаларига хусусий мулкчилик батамом тугатилди. Ишлабчиқариш воситалари социалистик мулк — давлат мулки ва кооператив-колхоз мулки бўлиб қолди, совет тузумининг мустаҳкам иқтисодий пойдеворини ташкил этди. Шу асосда мамлакатимизда кишини киши эксплуатация қилишига абадий хотима берилди, эксплуататор синфлар тагтомири блан тугатилди, СССРда коммунизмнинг биринчи фазаси—социализм амалга оширилди.

Бутуниттифоқ Советларининг Фавқулодда VIII с'езди 1936 йил 5 декабрьда қабул қилган СССРнинг янги Конституцияси мамлакатимизда социализм ғалабасини қонунлаштириб расмийлаштирди. СССРнинг янги Конституцияси капиталистик мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткаш халқ орзу қилиб келган ва ҳозирда ҳам орзу қилаётган социалистик ҳаётнинг Советлар Ватанида амалга оширилганлигини, СССР да ҳозир амалга оширилган нарсаларнинг бошқа мамлакатларда ҳам амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатган тарихий ҳужжат бўлди.

СССР Конституцияси ғалаба қозонган социалистик тузумга ва унинг «ҳаркимдан қобилиятига яраша ва ҳаркимга меҳнатига яраша» деган принципига таянади. СССР Конституцияси таянган социалистик тузум капиталистик тузумдан жуда устун эканлигини ҳаёт тўла исботлади. Ҳаётнинг турли соҳаларида халқимиз эришган муваффақиятлар бунинг яққол далилидир. Агар капиталистик дунёда саноати ишлабчиқарган маҳсулот индексини 1929 йилда 100 деб олсак, 1954 йилда бу индекс 176 га етди, я'ни чорак аср давомида 76 процентгина ўсди. Ҳолбуки шу давр ичида СССР да саноат маҳсулотининг индекси 1785 га етиб, қариб 18 марта ўсди. СССР да амалга оширилган саноат прогрессини тўла тасаввур қилмоқ учун қуйидаги фактларни келтириш кифоядир: мамлакатимизда 1955 йилда бир суткада ишлабчиқарилаётган электр қувватини, 1,5 суткада ишлабчиқарилаётган чўянни, 8 суткада ишлабчиқарилаётган кўмирни, 20 суткада ишлабчиқарилаётган нефтьни, 7 суткада ишлабчиқарилаётган қанд-шакарни 1920 йилда бутун бир йил давомида ишлабчиқарилар эди.

СССР да жуда катта маданий революция амалга оширилди. Чор Россиясида аҳолининг 76 процента саводсиз эди. Бизда саводсизлик иккинчи бешйиллик охиридаёқ битирилди. Ҳозир Совет Иттифоқида бошланғич ва ўрта мактабларда, ҳунар мактаблари ва техникумларда 35 миллион ўқучи, олий ўқув юртларида 1 миллион 700 минг киши та'лим олмоқда. Халқ хўжалигида 5 миллион 500 минг мутахассис ишламоқда.

Дун'ёда энг демократик конституция бўлган СССР Конституцияси социалистик тузумимизнинг сиёсий негизини меҳнаткашлар депутатларининг Советлари ташкил этишини акс эттирди. Советлар ўз моҳияти блан буржуа парламентидан — халққа ёт, пролетариат ва эзилган халқларни буржуазия томонидан эзиш қуроли, эксплуатация қилучи озчиликка хизмат қилаётган ташкилотдан тубдан фарқ қилади. Советлар меҳнаткаш оммасининг ўз жонажон ташкилоти, уларнинг жуда ҳам демократик ташкилоти, дун'ёда ма'лум бўлган давлат системалари ичида энг қудратли, энг мустаҳкам, энг ҳаётчан давлат ташкилотидир. Советларнинг халқ оммасини мамлакатни идора этишга бевосита жалб этадиган дун'ёда бирдан-бир чиндан ҳам энг демократик давлат ташкилоти эканлигини СССР, иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларига ҳамда маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлардан яққол кўриш мумкин. СССР Олий Советига ўтказилган сайловларда коммунистлар блан партиясизлар блоки кандидатлари учун сайловда иштирок этганлардан 1937 йилда — 98,6 процента, 1946 йилда — 99,18 процента, 1950 йилда— 99,73 процента ва 1954 йилда — 99,79 процента овоз берди.

Буржуа демократияси сохта ва мунофиқона демократия, бадавлатлар учун жаннат, меҳнаткашлар учун эса тузоқдир. Буржуа мамлакатларида жамият мулкдор ва мулксизлардан иборатдир, мамлакат бойлиги бир ховуч эксплуататорлар қўлида тўпланган бўлиб, улар айш-ишратда яшайдилар, кўпчилик меҳнаткаш халқ оммаси эса ҳаёт манба'ларидан маҳрум бўлганлиги натижасида муҳтожликда кун кечиради. Расмий ма'лумотларга кўра ҳозир АҚШда бутунлай ишсизлар сони 5 миллионга, қисман бешилар сони 15 миллионга етган. АҚШда 1930 йилда бир жонга тушадиган федерал солиғи 25 долларга тўғри келса, 1940 йилда бу икки марта ошди, 1954 йилда эса 458 долларга етди. Мамлакат экономикасини милитарлаштириш ва зўр бериб қуролланиш сиёсатининг амалга оширилаётганлиги АҚШ меҳнаткашлари оммаси устига оғир юк бўлиб тушмоқда, уларнинг турмуш шароитлари тобора оғирлашиб бормоқда. Шундай аҳволни Англияда, Францияда ва бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ шунга қарамай, монополиячилар олаётган фойда йилсайин ўсиб бормоқда. Америка экономистлари қилган ҳисобга кўра, сўнгги 20 йил давомида миллий даромаднинг 51 процента аҳолининг 6 процентини ташкил этучи бир ҳовуч капиталистлар қўлида тўпланган.

Буржуа конституциялари миллатларнинг тенг ҳуқуқли эканликларини инкор қилади ва халқларнинг тўла ҳуқуқли кучли миллатлар, тўла ҳуқуқли бўлмаган кучсиз миллатлар ва ҳечқандай ҳуқуққа эга бўлмаган миллатларга ажратади.

Америка Қўшма Штатларининг империалистик доиралари иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган ва кучсиз халқларга «ёрдам бериш» ниқоби остида ўзлари тузган ҳарбий блоклар гирдобига Италия, Канада, Бельгия, Голландия, Дания, Туркия, Греция, Ироқ, Покистон, Эрон, Таиланд, Филиппин каби мамлакатларни тортиб, уларнинг миллий ва давлат мустақиллигини оёқости қилмоқдалар.

Бизнинг социалистик мамлакатимиз Конституциясининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, у барча миллатлар ва иқлар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида баравар иштирок этадилар деган принципга асосланади.

Совет Иттифоқида барқ уриб яшнаётган халқлар дўстлиги ва ўтмишда қолоқ бўлиб келган миллатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада ривож топганлиги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қиёфасида ҳам ўзининг порлоқ ифодасини топди. Ўзбекистон Октябрь революциясидан илгари чоризмнинг қолоқ ва қаштоқ миллий ўлкаси ҳисобланар эди. Ўзбекистон ўз миллий ва давлат мустақиллигига эга бўлмай, саноати тараққий этмаган, қишлоқ хўжалиги қолоқ, аҳолисининг 98 процента саводсиз бир ўлка эди. Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлиги остида ва улуғ рус халқининг беғараз оғаларча ёрдами туфайли Ўзбекистон саноати 50 марта ўсди, қишлоқ хўжалиги таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳозир Ўзбекистон далаларида ишлатилаётган тракторларнинг умумий қуввати 900 минг от кучидан зиёдир. Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилган маданий революция туфайли республикада саводсизлик битирилди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида 5194 мактаб, 36 олий ўқув юрти, 98 техникум ва махсус ўрта билим юртлари, республика Фанлар академияси, 26 театр, 3500 клуб ва Маданият саройлари ҳамда 3010 кутубхона ишлаб турипти.

СССР Конституцияси қабул қилинган вақтдан бери ўтган 19 йил ичида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Социализмнинг ғалаба қилганлиги натижасида давлатимизнинг мамлакат ичкарисида ҳарбий йўл блан бостириш функцияси тушиб қолди ва унинг ўрнига давлатимизнинг социалистик мулкни ўғрилардан ва талон-торож қилучилардан қўриқлаш функцияси пайдо бўлди. Иккинчи фазада давлатимизнинг биринчи фазада унча ривожланмаган ташкилий-хўжалик ва маданий-тарбиявий ишлари тўла ривожланиб кетди, армиямиз, жазо органларимиз ва разведкамизнинг тиғи энди мамлакат ичкарисига эмас, балки унинг ташқарисига, ташқи душманларга қарши қаратилди.

Немис-фашист босқинчиларга ва япон милитаризмига қарши урушда социалистик иҳтимоий ва давлат тузуми ўзининг капиталистик иҳтимоий ва давлат тузумидан жуда устун эканлигини, ҳаётчан ва яшашга жуда қодир тузум эканлигини бутун дун'ёга ёрқин намойиш қилди.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида капиталистик системага қақшатгич зарба берилди. Бунинг натижасида Европадаги ва Осиёдаги бирқанча мамлакатларда халқ демократияси тузуми қарор топди. Улуғ хитой халқи коммунистик партия раҳбарлигида халқ революциясини амалга оширди ва ўз мамлакатида халқ демократик тузуми ўрнатди. Германия Демократик Республикасининг вужудга келганлиги Европа тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Социализм асосларини қураётган халқ демократияси давлатлари СССР Конституциясидан — ана шу улуғ тарихий ҳужжатдан илҳомланиб, ўз конституцияларини ишлаб чиқдилар.

Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси бошчилик қилаётган ҳамда ер юзининг 900 миллиондан ортиқ аҳолисини бирлаштирган демократия ва социализмнинг қудратли жаҳон лагери вужудга келди ва қудратли кучга айланди.

Шонди Коммунистик партия бошчилик қилаётган улуғ Совет Иттифоқи халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш, бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни ўрнатиш, давлатлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш йўлида сабот блан тинмай кураш олиб бормоқда. Югославия блан СССР ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқалари тикланганлиги тинчлик, демократия ва социализм кучларини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилди. Совет Иттифоқига Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг, Бирма Бош Министри У Нунинг келганликлари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга сафарлари бу тинчликсевар халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса бўлади.

Тинчлик, демократия ва социализм кучлари тобора ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. СССР Конституциясида ифодаланган тинчлик, демократия ва социализм идеялари миллионларнинг кураш байроғи бўлиб қолди.

О. ЭШОНОВ,
юридик фанлар доктори, профессор.



СССР гражданлари Совет Конституциясида олтин харфлар блан ёзилган илм олиш ҳуқуқидан тўла баҳраманд бўлмоқдалар. **Суратда:** Ўрта Осиё Политехника институти химия-технология факультетининг лабораториясида. Студентлардан **Х. Саидов, Х. Қаюмова** (аспирант) ва **З. Вейтман** ўртоқлар тажриба ўтказмоқдалар. **В. Салов** фотоси.

Бахт китоби

Бахт!
Бу Кремль юлдузларининг
Порлаган нуридек мунаввар.
Қувонтириб, ёшу-қарининг
Қалбларига ҳадсиз завқ солар.
Уни излаб боболар ўтган,
Кутган улар порлоқ замонни,
Шунда Ленин йўлни кўрсатган:
Озодликни,
Янги жаҳонни.
Шоҳ-салтанати тор-мор этилган,
Ўз ҳуқуқин олган халқимиз,
Қувноқ ҳаёт,
порлоқ эртамиз,
Бахтномада зар-ла битилган.
Компартия бизга раҳнамо,
Ҳаётимиз мангу бахтиёр,
Конституция-улуғ китобда
Бахтимизнинг тантанаси бор.
Унинг нури ҳамавақт порлар,
Она элнинг истиқболида,
Маш'ал каби мангу порлайди,
Халқимизнинг бахт, иқболида.
У ўзида ҳаётимизни,
Бахтимизни этган мужассам,
Ҳар мисраси қуёшдай равшан,
Баҳор каби ҳаётбахш кўркам.

Хайриддин САЛОҲИДДИНОВ.

Ҳаётимдан мамнунман

Ёшим 67 га тўлди. Аммо кундан-кунга ёшараётгандекман. Меҳнат завқи мени ҳаётдан ғоятда мамнун қилаётир. Бундай дейишимнинг боиси шундаки, айни йигитлик чоғимда ишлаб ҳозиргидек қадр-қимматга эришмаган ва меҳнат завқини шунчалик сурмаган эдим.

Революциядан илгари Аҳмадҳўжа деган бойнинг тақачилик дўконида тонг-азондан бошлаб кун қорайгунча ишлаб, кунига 50 тийин ҳақ олар эдим. Ҳозир ўша кунларимни эсласам, эссизгина ўтган ёшлигим, деб хўрсиниб қўяман. Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллионлар қаторида менга ҳам эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берди. Бу ҳуқуқ СССР Конституциясида олтин ҳарфлар блан ёзилган. Эндиликда меҳнатнинг таги том ма'носи блан роҳат бўлиб қолди.

Заводимиз йилсайин кенгайиб, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаруччи йирик корхоналардан бирига айланди. Коллективимиз ишлаб чиқараётган машиналар мамлакатимиз пахтакорларига манзур бўлаётир. Мен ана шу корхона коллективининг ёрдамида ўз ҳунаримни мукаммал эгаллаб олдим. Меҳнатим блан катта обрў қозондим. Коллектив мени Ватанимиздаги илгор корхоналарнинг иш тажрибасини кўриб, ўрганиб келишга бирнеча бор вакил қилиб юборди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига ҳам завод коллективининг вакили сифатида қатнашдим.

Бундай иззат-ҳурматга СССР Конституциясида берилган катта ҳуқуқ ва меҳнатимнинг қадрланиши туфайли эришдим. Астойдил, халол меҳнат қилган кишиларни давлатимиз ҳар доим тақдирлайди. Кўпйиллик халол меҳнатим учун давлатимиз мени Ленин ордени блан мукофотлади.

Мен ишлаётган участкада энг нозик детальлар тайёрланади. Шунинг учун аниқ ишлаш, ҳарбир операцияни усталик блан бажариш талаб қилинади. Шогирдларимдан сифатли ишлаш учун ҳунарманд бўлишни, ўз касбинг пухта ўрганишини ҳардоим талаб қиламан. Ҳозир шогирдларимдан Жабборов, Рашупкин, Иванов ўртоқлар ўз ҳунарининг моҳир усталари бўлиб етишди. Улар ҳозир ўз участкаларида мастер ва илғор кишилар бўлиб ишламоқдалар. Улар қаторида менинг ўғлим ҳам ота касби — темирчилик ҳунарини яхши эгаллаб, намунали меҳнат қилаётир.

Мен ҳар йили СССР Конституциясида ёзилган ҳам олиш ҳуқуқимдан баҳраманд бўлиб, курорт ва дам олиш уйларида хордиқ чиқариб қайтаман.

Ҳозир заводнинг инструменталь цехида болта уручи бўлиб ишлаётирман. Қўлимда шогирдларим ҳунар ўрганаётир. Партия ва Ҳукуматимиз менинг қарилигимни сийлаб иш ҳақимдан ташқари нафақа ҳам бераётир.

Э. ҚУШАНБОЕВ,
Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг ишчиси.

Умумхалқ байрами шарафига

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари бутун мамлакат блан бирга Совет Конституцияси Кунини тантана ва қувонч блан кутиб олмоқдалар.

Шаҳар корхоналарида, муассаса ва ўқув юртларида Совет давлатининг Асосий Қонуни тўғрисида лекциялар, доклад ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Сталин номли тўқимачилик комбинати партия ташкилотининг тўрт юздан ошиқ агитатори цехларда «Совет Иттифоқи Конституцияси — дун'ёда энг демократик конституция», «СССР гражданларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари» темаларида суҳбатлар ўтказдилар. 2 декабрьда комбинат фабрикаларида умумхалқ байрамига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Шаҳарнинг бошқа кўпгина корхоналарида ҳам шундай йиғилишлар бўлмоқда. Республика пойтахти меҳнаткашларининг тантанали район йиғилишлари ўтмоқда. Бу йиғилишларда партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари доклад қилмоқдалар.

Клубларда ва Маданият саройларида байрам кечаларига тайёргарлик кўрилмоқда. Ўнларча балиий ҳаваскорлик коллективлари катта концерт программаси тайёрламоқдалар. 4 ва 5 декабрьда ҳамма жойда болалар эрталиклари ўтказилади.

Шаҳар кутубхоналарида адабиёт ва фотосурат виставкалари очилди. Бу виставкалар совет халқининг СССР Конституциясига олтин ҳарфлар блан ёзилган буюк ғалабаларини акс эттиради. (ЎзТАГ).

Мангу миннатдорчилик

Навоий номли колхоз қишлоғига кириб келишингиз блан унинг мафтун этучи кўркам қиёфаси кўз олдингизда намоён бўлади. Бу ерда қадимги эгри-бугри тор кўчалар ва настқам уйлардан ному-нишона ҳам қолмаган. Серқатлов катта тош йўлнинг икки бети қатор кетган қалин дарахтзор. Қишлоқ марказида кўркам мактаб биноси, колхоз правлениеси идораси, сал нарироқда чойхона, магазин, меҳмонхона ва бошқа жамоат биноларидаги рўпарадаги ховуз бўйида эса баҳаво шийпон, янги типда солинган қатор-қатор уйлар бутун гўзаллиги блан қад кўтариб турипти.

Ана шу янги уйлардан бирида 11 болани тарбиялаб ўстирган колхоз а'зоси Мансурака ва Зулфияхолаларнинг улкан оиласи яшайди. Унчалик катта бўлмаган ховли юзи топтоза. Икки уй, бир даҳлиз рўзғор буюмлари блан тўкис жиҳозланган ва саранжом қилиб ясатилган. Икки тавақалик ойнаванд эшикдан ичкарига кирар эканмиз, Зулфияхола бизни очиқ юз блан қарши олди. Узатилган қизларидан бири Вазира ҳам шу ерда экан. У эндигина биринчи семестрда дарс бериб бўлиб, онасини кўргани келипти.

Зулфияхоланинг нур ёғиб турган юзи ва жозибали кўз қарашларини кўришнинг ўзигина кишини гоят мамнун ва хушвақт қилади. Паст бўйли, тўлагина, қорачалан келган, зуваласи пишиқ бу аёл 50 ёшдан ошиб қолган бўлса ҳам, ҳали тетик ва бардам кўринади. Рўпарамиздаги деворда осиғлиқ турган катта расмга кўзимиз тушди. Зулфияхола ўз умр йўлдоши Мансурака блан бизни расми орқали таништирди. У кўндан бери шу колхозда склад мудири бўлиб ишлар экан. Кўринишдан у ҳам ёшга ўхшайди.

Саккиз қиз ва уч ўғил кўрган бу бахтиёр ота-онани қишлоқ қексалари пийри-бадавлат дейишади, ёшлар эса самимий ҳурмат қилишади.

— Олти набиралик ҳам бўлиб қолдик, — дейди Зулфияхола фахрланиб.

Фазлининг ёши 32 да. У Зулфияхоланинг тўнғич қизи. Ўртадан юқори ма'лумотга эга. Ҳозир икки ўғил, бир қизи бор. Уларни оналик меҳри блан авайлаб ўстирмоқда. Каттаси янаги йил мактаб остонасига биринчи марта қадам қўяди.

Лутфи Зулфияхоланинг иккинчи фарзанди. У педагогика институтининг тил-адабиёт факультетини тамомлаган. 1948 йилдан буён райондаги 29-нчи мактабда ўқитучи бўлиб ишлаяпти. Иқбол исмли учинчи қизи ҳам ўрта ма'лумот эгаси.

Мана, бизнинг қаршимизда Зулфияхоланинг тўртинчи қизи—Вазира ўтирипти. Эндигина 22 ёшга тўлган Вазира ўтган йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини тамомлаб, шу қишлоқдаги ўрта мактабда ўқитучи бўлиб ишлаётганини ва ўз касбидан мамнун эканлигини сўзлаб берди. У бизни стол устидаги турли-туман мевалар блан ясатуглик дастурхонга меҳмондўстлик блан қайта-қайта таклиф қилиб ўтирипти.

Деярли ҳар якшанба куни бу хонадонда жамоат жам' бўлади. Ўғил-қиз ва набиралар давра қуришиб, «чолу-кампир» бошчилигида оилавий хушвақтлик ўтказадилар.

— Ўтган йили узатилган Нафиса исмли қизимиз блан,— деди Зулфияхола, — беш тўй кўрдик. Катта ўғлимиз Эркин блан яна бир қизимиз Наима 10-нчи синфда, Дилбар 7-нчи синфда, Жўра 4-нчи синфда ўқишаяпти.

Шу пайт уйга папка кўтарган 7—8 ёшлар чамасидаги бир бола кириб келди. Эгнида қундуз ёқали пальто, бошига қизил духоба дўппи кийган шўхчан табиатли бу боланинг исми Мирахмад экан.

— Бунисе 1-нчи синфда ўқийди, бамисоли олов. Лекин ўқишга ҳаваси зўр, адасига айтиб, нақ бир йилга етадиган дафтарларини ҳам гамлаб қўйди, китоб қўлидан тушмайди, ўқигани-ўқиган.

Мирахмад папкасини шкафдан ўзи учун ажратилган жойга қўйди-да, уялгансимон кулумсираб ҳовлида кутиб турган ўртоқлари олдига чиқиб кетди.

— Мана бу қўлимдагиси,— деди Зулфияхола бир яшар қизчаси Ҳолидани баланд кўтариб, — кенжатойимиз, халитданоқ бирам шўхки, асти қўяберинг. Қизчанинг лўппигина юзларида нур, ўйноқи тимқора кўзларида шодлик барқ уриб турипти. Она уни эркалатиб, бағрига босди ва олиб бориб уйнинг тўридаги беланчакка ётқизди.

Вазира деворда осиғлиқ турган соатга ялт этиб қаради-да, камод устидаги «Урал» радиоприёмнигини буради. Пахтакорларга атаб берилаётган музикали концертнинг ёқимли садолари янграб кетди.

Концерт тамом бўлгач, суҳбатимиз яна давом этди. Зулфияхола 1949 йилда «Қаҳрамон она» деган унвон олишга сазовор бўлганини ва шу вақтга қадар давлатдан ҳаммаси бўлиб 56 минг сўм пул берилганлигини миннатдорчилик туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда гапириб берди. Унинг сўзларини бошдан-оёқ ҳузур қилиб эшитдик.

Мансур Исмоилов блан Зулфия Усмоновалар меҳнаткаш халқнинг бир замонлар бошдан кечирган маданиятсиз, қолоқ ва машаққатли турмушини эслагандарида ва ўзларининг бугунги бахтли, қувончли, нурли ҳаётини ўтишидаги асоратли қун кечириш блан таққослаб қараганларида, ҳозирги ҳаётимизнинг тамомила ўзгача ёрқин ва гўзал эканлигини чуқур ҳис этадилар.

Совет иҳтимоий ва давлат тузуми СССР Конституциясининг ҳаётбахш нуридан абадий баҳраманд бўлган барча совет кишилари каби бу улкан оила а'золарига ҳам бахтиёр ҳаёт кечиришнинг чексиз имкониятларини яратиб берди. Улар бугун ўзларининг юрак ҳарорати блан ишитилган мангу миннатдорчилик сўзларини совет кишиларининг иззат-ҳурмати ва қадр-қийматини юксакликка кўтарган шонли Коммунистик партияга бағишламоқдалар.

Ш. АСҚАРОВ,
З. ЭШОНХОНОВА,
Оржоникидзе район, Куйбишев қишлоқ Советидаги Навоий номли колхоз.

Қишлоғимиз обод, колхозчиларимиз бадавлат

Ҳурматли кексаларимиз колхозимиз қишлоғининг бундан 38 йил илгариги ҳароб қиёфаси ҳақида, бойлар, амалдорлар зулми остида азоб чеккан — нонга зор, усти-боши юпун камбағалларнинг, бева-бечораларнинг оҳ-зорлари ҳақида ҳикоя қилар эканлар, қалбингда ўтмишнинг қора кунларига нисбатан нафрат пайдо бўлади.

Революциядан илгари қишлоғимиз аҳолисининг 90 процента ерсиз бўлган, улар бир тўда бойлар қўлида чорикор, батрак бўлиб ишлашга мажбур эдилар, ўзлари эса ҳароба уйларда муҳтожлик блан ҳаёт кечирардилар. У вақтларда мактаб, клуб, кино, театр ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Улуғ доҳимиз В. И. Ленин раҳбарлигида, Коммунистик партия етакчилигида ишчилар синфи блан деҳқонлар синфи бирлигикда курашиб, подшо ҳукуматини ағдариб ташладилар. Улуғ Октябрь қуёши барқ уриб кўлди. Биз камбағалларнинг ҳам елкамизга офтоб тегди. Ер ҳам, сув ҳам — инсоният учун нимаики зарур бўлса, шуларнинг ҳаммаси бизники — ҳалқники бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз раҳбарлигида коллектив хўжалик туздик. Давлат бизга 1625 гектар ерни абадий фойдаланиш учун топширди. Ернинг чинакам эгалари қилаётган шарафли, эркин меҳнат ўзининг ижобий натижаларини беробошлади. Бизга берилаётган доимий ёрдам туфайли жамоат хўжалигимиз ҳозир ҳартомонлама ривожланмоқда. Қишлоғимиз йилдан-йилга обод бўлиб, колхозчиларимизнинг моддий ва маданий фаровонлиги ўсиб бормоқда.

Колхозимиз а'золари, айниқса, бу йил пахтачиликни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Натижада 12 миллион сўмдан ортиқроқ даромад қилдик Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 15 сўмдан пул, 3 килограммдан ғалла тақсимлаймиз. Ўтган йили М. Жуманов, И. Иноғамов каби ўнлаб колхозчиларимиз 21—24 минг сўмдан пул ва 4—5 тоннадан ғалла даромади олган эдилар. Бу йил улар бундан ҳам кўпроқ даромадга эга бўладилар.

Пахтадан олаётган ҳосилимиз йилдан-йилга ошиб, даромадимиз кўпаяётган сари қишлоғимиз қиёфаси ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгармоқда, обод бўлмоқда. Қисқа йиллар ичида 3 та мактаб, клуб, кутубхона, тугруқхона, 3 медпункт қурилди. Аҳоли ўртасида бирта ҳам саводсиз киши йўқ, ўз фарзандларимиздан ҳархил соҳада ишловчи ўнлаб мутахассислар етишиб чиқди. Қишлоғимиздаги мактаблардаги болаларимизга та'лим бераётган олий ма'лумотли ўқитучиларнинг 80 процентдан ортиғи ўз кадрларимиздир.

Ўтмишнинг ҳароба қишлоғидан ҳозир асар ҳам қолган эмас. Колхозчиларимиз план асосида қурилган маданий типдаги электрлаштирилган, радиолашган ёп-ёруғ уйларда яшамоқдалар. Колхозчи эр ва аёлларнинг меҳнат унумини ошириш мақсадида уларга ҳамма шароит яратиб берилган. Марказий яслидан ташқари 12 та дала шийпонининг ҳаммасида ҳам яхши жиҳозланган, доимий яслилар ишлаб турипти.

Бизнинг бу ютуқларимиз партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, СССР Конституциясида мустаҳкамланган ғалабаларимиз самарасидир. Совет кишиларига бахт қонунини яратиб берган Конституция кунини эслаганимизда бу ютуқларимизни мустаҳкамлаш ва янгидан-янги режаларни амалга ошириш ниятиёқ қалбимизда ўрин эгаллайди.

А. ОРТИҚОВ,
Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

СССР Олий Советининг делегацияси Венгриядан жўнаб кетди

БУДАПЕШТ, 2 декабрь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг таклифига мувофиқ Венгрияда меҳмон бўлган СССР Олий Совети делегацияси бугун Будапештдан Москвага жўнаб кетди.

Венгрия Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган аэродромда СССР Олий Совети делегациясини Министрлар советининг раиси Андраш Хегедюш, Давлат мажлисининг раиси Шандор Ронаи, Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг секретарьлари Иштван Ковач ва Бела Вег, Давлат мажлиси раисининг ўринбосарлари Йожеф Надьишток ва Иштванне Ваш, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг секретари И. Дарабош, ташқи ишлар министри Янош Болдоцки, Будапешт шаҳар совети ижроия комитетининг раиси Калман Понграц, Венгрия пойтахти жамоатчилигининг вакиллари кузатиб қолдилар.

СССР Олий Совети делегациясини элчи Ю. В. Андропов бошчилигида совет элчихонасининг состави, шунингдек Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Югославия ва бошқа мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам кузатиб қолдилар.

СССР Олий Совети делегациясининг раҳбари, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов кузатиб қолучиларга қарата нутқ сўзлаб, бундай деди:

Меҳмондўст Венгрия тупроғида дўстларимиз ўртасида ўтган азиз, унутилмас кунлардаги дўстона учрашувлар ва самимий суҳбатлардан олган шодиёна, завқли туйғулар блан жўнаб кетмоқдамиз.

Азиз дўстлар, бизнинг қалбимиз сизлар блан биргадир. Совет ва венгер халқларининг бузилмас, буюк дўстлиги қунсайин кенгайиб ва мустаҳкамланабориб, абадий яшайди. Бу дўстлик мамлакатларимизнинг ва халқларимизнинг бахт-саодати йўлида қилаётган тинч ижодий меҳнатимизни сўнмас маш'алдек ёрқин ёритади.

Биз, ана шу дўстлик нурига чўмган ажойиб ватанингизнинг янада мавж уриб гуллаб-яшнашини, венгрияли дўстларимизнинг ҳаёти янада гўзал ва янада бахтли бўлишини чин кўнглимиздан истаймиз. Сиз ўзингиз танлаб олган олижаноб, улуғвор йўлда, я'ни мамлакатингизда социалистик жамият қуриш йўлида жуда катта муваффақиятлар қозонишингизни астойдил истаймиз. Содиқ, вафодор дўстингиз совет халқи ана шу йўлда сизни доим қўллаб-қувватлайди ва сизга қардошларча ёрдам беради.

Азиз ўртоқлар, делегациямизга ҳаммаерда ва ҳарқачон кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун венгер халқига чин қалбимиздан яна ташаккур изҳор қиламиз.

Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг раиси Шандор Ронаи ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Азиз меҳмонларимиз, қадрдон ўртоқлар, — ССР Иттифоқи Олий Советининг вакиллари, сизлар бизнинг мамлакатимизда қисқа вақт бўлиб, бизда халқимиз озод қилинганидан буён ўтган даврда унинг томонидан барпо қилинган ҳамма нарсаларни кўраолмадингиз. Аммо, саноатимиз тўғрисида, қишлоқ хўжалигимиз тўғрисида, маданиятимиз ва социал-маиший муассасаларимиз ҳақида кўриб билган нарсаларингиз бизнинг халқимиз ўз озодлигидан тўғри фойдаланаолганлигига сизларни қаноат ҳосил қилдирган бўлса керак. Сиз бизнинг қаҳрамон ишчилар синфимиз, меҳнаткаш деҳқонларимиз ва халққа содиқ бўлган интеллигенциямиз марксизм-ленинизм идеяларига амал қилаётган улуғ партиямизнинг — Венгрия меҳнаткашлар партиясининг раҳбарлиги остида социализм қуриш учун жонбозлик блан меҳнат қилаётганлигини ва тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигини кўриб билаолдингиз.

Шандор Ронаи сўзини давом этдириб, бундай деди: Бизнинг саноат корхоналаримизда, давлат хўжаликларимизда, ишлабчиқариш кооперативларида, шаҳар ва қишлоқларда, хуллас делегация борган ҳамма жойда бизнинг халқимиз сизларни самимият ва меҳмондўстлик блан кутиб олди ва бу блан ўз муҳаббати ҳамда миннатдорчилигини изҳор қилди. Биз, сизларга зўр ишонч блан шуни айтамизки, сизнинг мамлакатимизга қилган сафарингиз Совет Иттифоқи ва Венгрия халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни янада кўпроқ кучайтирди ва мустаҳкамлади.

Ҳозир Совет Иттифоқига жўнаб кетаётган пайтингизда совет халқига қуйидагиларни ма'лум қилишингизни сўраймиз: Венгер халқи совет халқини самимий муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари блан эсга олмоқда ва Совет Иттифоқи бошчилигидаги улуғ тинчлик лагерининг а'зоси бўлишни ўзи учун шараф деб ҳисобламоқда. Шандор Ронаи сўзининг охирида қуйидагиларни айтди: Қардош совет халқига ва ССР Иттифоқи Олий Советига венгер халқининг ва Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг қизғин ва дўстона саломларини топширишингизни сўраймиз.

СССР Олий Советининг делегациясини кузатиб қолиш пайтида фахрий қоровул қўйилди ва Венгрия Халқ Республикаси ҳамда Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНГРИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми секретари Н. М. Пегов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси 2 декабрьда Венгриядан Москвага қайтиб келди.

Делегация Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг таклифига биноан Венгрияга борган эди. (ТАСС).

СОВЕТ-ФИНЛЯНДИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Кейинги вақтда Москвада 1956 йилда етказиб берилиши лозим бўлган товарларнинг рўйхатларини белгилаш юзасидан Совет-Финляндия музокаралари олиб борилди. Дўстона ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган бу музокаралар натижасида 1956 йилда СССР блан Финляндия ўртасида ўзаро бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисида 2 декабрьда протокол имзоланди. Бу протоколга мувофиқ, иккала мамлакат ўртасидаги товар обороти бир миллиард сўмдан кўпроқ бўлади.

Финляндия Совет Иттифоқига кемалар, сузучи кранлар, энергия, кўтарма-транспорт ва ёғоч-қоғоз ускуналари, мис, сим, кабель буюмлари, ёғоч-тахта, баланслар, целлюлоза, қоғоз, картон, штапель тола ва бошқа товарлар етказиб беради.

Совет Иттифоқи Финляндиядан олинадиган товарлар эвазига Финляндияга нефть маҳсулотлари, кўмир, қора металлар прокати, ўғит, дон, пахта, автомобильлар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, турли саноат ускуналари, шунингдек тамаки, асбест, химия товарлари ва бошқа товарлар етказиб беради.

СССР блан Финляндия ўртасида 1956 йилдан бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисидаги протоколни совет томонидан— ташқи савдо министри И. Г. Кабанов ва Финляндия томонидан — Финляндия ТИМ савдо-сиёсий бўлими бошлиғи Л. Туоминен имзоладилар.

ИНДОНЕЗИЯДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 2 декабрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Жакартадан билдиришига қараганда, Индонезия парламентига 29 сентябрьда ўтказилабошлаган сайловлар 30 ноябрьда тамом бўлган. Сайловларда жам'и 35 миллион киши, я'ни рўйхатга олинган 43 миллион сайловчининг 80 процентидан кўпроғи қатнашган.

Суматра, Борнео, Пелебес, Молукк ороллари ва кичик Зонд ороллари узоқ районларида яшовчи сайловчилар ҳаммадан кейин овоз берганлар.

Сўнгги ғайирасмий ма'лумотларга қараганда, сайловчиларнинг овозлари қуйидагича тақсимланади: Миллий партия 8.789.625 овоз, Машуми партияси 7.853.500 овоз, Нахдатул уламо партияси 6.451.136 овоз ва Коммунистик партия 6.005.208 овоз олган.

Овозларнинг қолган қисми бошқа 18 партия ўртасида тақсимланган.

ЮФХР ПРЕЗИДЕНТИ ТИТО ЭФИОПИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

БЕЛГРАД, 2 декабрь. (ТАСС). Эфиопия императори Хайле Селассиенинг таклифига мувофиқ, ЮФХР президенти Иосип Брозтито 1 декабрьда Белградан Эфиопияга жўнаб кетди. Сербия Халқ скупштинасининг раиси П. Стамболич, ташқи ишлар бўйича давлат секретари К. Попович ички ишлар бўйича давлат секретари С. Стефанович, президентнинг бош секретари П. Вильфан ва бошқа кишилар президент Титога ҳамроҳ бўлиб борадилар.

Темир йўл вокзалида президент Титони Иттифоқ халқ скупштинасининг раиси М. Пьяде, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосарлари Э. Кардель, А. Ранкович, С. Вукманович, Р. Чолакович, Иттифоқ ижроия вечесининг а'золари, Иттифоқ халқ скупштинасининг депутатлари, Югославия армиясининг генераллари, Белграддаги илмий, маданий ташкилотларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кузатиб қолдилар.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ X СЕССИЯСИ

СИЁСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 2 декабрь. (ТАСС). Кеча Сиёсий комитетнинг эрталабки мажлисида қуролсизланиш масаласи юзасидан умумий дискуссияда Швеция ва Бельгия делегатлари сўзга чиқдилар.

Сиёсий комитетнинг мажлиси вақтида делегатларга Ҳиндистон делегацияси тақдим этган резолюция проекти тарқатилди. Бу резолюция проекти манфаатдор давлатларни термоядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида музокаралар бошлашга чақиради. Резолюция проектида, БМТ қуролсизланиш комиссияси қуролсизланиш тўғрисида халқаро битим тузилганига қадар «қуролланишда ярашиш» ҳақида, я'ни зўр бериб қуролланишни тўхтатиш тўғрисида дарҳол таклиф киритсин, деб таклиф қилинади. Сўнгра проектда, Бош Ассамблея қуролсизланиш ҳақидаги масаланинг ва жумладан юқорида айтилган таклифларнинг ғоят муҳимлигини назарга олиб X сессиянинг ишида танаффус э'лон қилсин, токи раис тегишли фурсат келганда Ассамблеяни яна чақираолсин, деб ҳам таклиф этилади.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг визити тўғрисида Бирма газеталарининг ёзганлари

РАНГУН, 3 декабрь. (ТАСС). Бирма газеталари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Бирмада бўлишига бағишланган кўп мақола ва шарҳларни босиб чиқармоқдалар.

Газеталар совет меҳмонларининг аэродромда ва шаҳарда кутиб олинишини батафсил тасвирлармоқдалар ва Н. А. Булганин блан У Нунинг аэродромда сўзлаган нутқларининг мазмунини э'лон қилмоқдалар.

«Бирман» газетаси «Бирма-Совет дўстлиги» сарлавҳали бошмақоласида совет раҳбарларининг Бирмага келиши Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, деб та'кидлайди.

Совет раҳбарларининг бу визитига, деб ёзади газета, халқаро воқиалар нуқтаи-назаридан қараб баҳо бериш керак. Бирма ўз тақдирини бутун дун'ёда тинчликка ва ҳамжиҳатликка интилаётган мамлакатларнинг ҳаммаси блан боғлаганлигини тушуниб олиш керак.

Газета яна бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатишга, барча мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишга ва бутун дун'ёда тинчлик учун шарт-шароит вужудга келтиришга астойдил интилмоқда. Шу сабабдан, Совет Иттифоқи блан тинчликни ва халқаро ҳамжиҳатликни астойдил истовчи барча мамлакатлар ўртасида дўстлик ўрнатиш энг мақбул тадбирдир. Бирмалилар Совет-Бирма дўстлигига худди шу нуқтаи назардан қарамоқдалар.

«Пиплз дейли» газетаси совет раҳбарларининг Ҳиндистонга ва Бирмага қилган сафарлари ана шу ҳар иккала мамлакат учунгина эмас, балки бутун дун'ё учун ҳам муҳим эканлигини та'кидлайди. Газета қуйидагиларни уқтириб ўтади: миллион-миллион кишиларнинг совет раҳбарлари блан жонли алоқаси совуқ муносабатлар урушн тарафдорларининг душманчиликдан иборат пропагандасини фош қилиб ташлайди. Ана шундай пропаганда натижасида кўп кишиларда Совет Иттифоқи ва совет раҳбарлари тўғрисида нотўғри тасаввур пайдо бўлган эди.

Бирмадаги йирик газеталарнинг бири «Рангун дейли» газетаси Совет Иттифоқидан техника ёрдами ва мутахассислар тайёрлашга ёрдам олиш истагини билдиради, шунингдек Совет Иттифоқи блан маданий алоқаларни кучайтириш кераклигини кўрсатади.

«Бирма стар» деган кечки газета бундай деб ёзади: биз Булганин блан Хрушчевнинг бу сафарига халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш йўлида яна бир қадам деб қараймиз. Биз, Совет Иттифоқи ва Бирма халқлари ўртасидаги дўстлик маш'али ҳеҳқачон сўнмаяжагига аминмиз.

В. Ульбрихт ГДР бош министрининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланди

БЕРЛИН, 3 декабрь. (ТАСС). АДН агентлиги ГДР бош министри ҳузуридаги матбуот бўлимининг хабарини ма'лум қилди. Бу хабарда қуйидагилар айтилади: Германия Демократик Республикаси Министрлар советининг президиуми Вальтер Ульбрихтни ГДР бош министрининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Давлат план комиссиясининг раиси Б. Лейшнер бош министрнинг ўринбосари қилиб тайинланди.

Совет олимлари делегацияси Англиядан жўнаб кетди.

ЛОНДОН, 3 декабрь. (ТАСС). Король жамиятининг таклифига мувофиқ, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов бошчилигида Англияда меҳмон бўлиб турган совет олимлари делегацияси кеча Лондондан Ватанига жўнаб кетди.

Совет олимлари Лондондан жўнаб кетиш олдидан король жамиятининг яқинда сайланган президенти Сирил Хиншелвуд блан учрашдилар. Хиншелвуд совет олимлари делегациясининг Англияга келишидан қаноат ҳосил қилганлигини билдирди ва инглиз олимлари блан совет олимлари ўртасида шахсий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бериш учун ҳаракат қилажагини айтди.

Академик А. Н. Несмеянов меҳмондўстлиги учун король жамиятига совет делегацияси номидан ташаккур билдирди.

Президент Қоти Франция Миллат мажлисини тарқатиб юбориш тўғрисидаги декретни имзолади

ПАРИЖ, 1 декабрь. (ТАСС). Миллат мажлисини тарқатиб юбориш тўғрисида Франция президенти Коти имзолаган декрет 2 декабрьда э'лон қилинади.

Франс Пресс агентлигининг билдиришича, Миллат мажлисининг янги состави 1956 йил 1 январьда сайланади.

Тошкентда

Пайпоқ-трикотаж фабрикасида

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли пайпоқ-трикотаж фабрикаси ишлаб чиқараётган ўнларча буюмларни Тошкент шаҳридаги магазинларнинг деярли ҳаммасида учратиш мумкин. Фабрикада тайёрланаётган 70 хил товар маҳсулотларидан деярли ҳаммаси айниқса копрон-пайпоқлар меҳнаткашларга, хотин-қизларга манзур бўлмоқда ва уларда бу буюмларга нисбатан эҳтиёж янада ошмоқда.

Яқинда фабриканинг гардин цехида полотнонинг янги гуллари ўзлаштирилди. Улардан бири тоқ баргини, иккинчи эса ўзбек наулональ орнаментини ифодалайди. Ҳозир гардин цехида янгигулли газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу газламаларнинг биринчи партияси шаҳардаги савдо тормоқларига жўнатилди.

Фабрика ишчилари мерсеризация қилинган ипдан сифатли пайпоқлар ишлабчиқарабошладилар. Ипларнинг мерсеризация қилиниши (унинг каустик ишқор ва бошқа химикатлар блан ишланиши) натижасида пайпоқларнинг чидамлилиги ортади ва ипак тусини олади.

Бўёқ-пардозлаш цехи ҳузурида ипни янги усул блан ишлаш учун махсус бўлим вужудга келтирилган.

Корхона паутинки деб аталган я'ни ингичка капрон ипидан тайёрланадиган пайпоқларни ишлаб чиқариш учун энг янги асбоб-ускуналар олди. Ҳозир бу асбоб-ускуналарни монтаж қилиш юзасидан тайёргарлик ишлари бормоқда. Унда жикетлар, свитерлар ва трикотаж кийимлар тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Суратда: гардин цехининг тўқучиси **Мария Шевцова** ва гардин машиналари мастерининг ёрдамчиси Ил'ёс **Сайдуллаев** ўртоқлар янги гардина (дераза пардалари)ни кўздан кечирмоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

Ойбек ижодига бағишланган кеча

Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 41-нчи ўрта мактабда ўзбек халқининг отоқли ёзучиси Ойбек ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада ота-оналар, райондаги 38, 14, 40 ва 1-нчи мактаб ўқучилари ва ўқитучилардан кўпгина киши қатнашди.

10-нчи синф ўқучиларидан А. Тошпўлатов «Ойбек поэзияси», Т. Зияев «Ойбек романларидаги ижобий образлар», Р. Икромова «Ойбек ижодида хотин-қизлар образи», З. Усмонова «Ойбек ижодида болалар саҳифаси» деган темада қилган мазмунли доқладлари кеча қатнашчиларига манзур бўлди. Ўқучилардан Умарованинг «Менинг севимли қаҳрамоним», Икромованинг «Ойбек—менинг севикли ёзучим» деган темада сўзлаб берган таассуротлари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Мактаб ўқучиларининг Ойбек номига ёзган мактуби ва унинг ўз китобхонларига юборган жаваб хатини залда ҳозир бўлганлар зўр қониқиш блан кутиб олдилар.

Кечанинг иккинчи қисмида Ойбек асарларидан бадиий ўқишлар бўлди.

Кеча охирида Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида ишланган драмадан мактаб ўқучилари саҳнага қўйган айрим кўринишлар кўрсатилди.

Мактабнинг адабиёт ўқитучиси ўртоқ Қ. Жўраев раҳбарлигида тайёрланган бу адабий кеча жуда қизиқарли ўтди ва ота-оналарда, бошқа мактаблардан меҳмон бўлиб келган ўқитучилар ва ўқучиларда чуқур таассурот қолдирди.

Биринчи рус революциясининг 50 йиллигига бағишланган янги плакатлар

Давлат тасвирий сан'ат нашриёти биринчи рус революциясининг 50 йиллигига бағишлаб, кўптиражли рант-баранг плакатлар чиқарди. Булар ичида «Декабрь қуролли қўзғолони», «Бутун Россия сиёсий стачкаси» плакатлари ҳам бор.

Айниқса рассом В. Брискин ва К. Ивановлар томонидан рангли қилиб ишланган плакат киши диққатини ўзига жалб қилади. Плакатнинг биринчи бетида И. Владимиров ва В. Маковскийларнинг «1905 йил 9 январь куни Қишки сарой ёнида ишчиларнинг ўққа тутилиши» картинаси жойлашган. Бу картинада ишчиларнинг чиновник ва ўз хўжайинларидан шикоят қилиб подшо Николай II дан нажот истаб бориши, лекин Николай II уларни қурол блан қарши олганлиги акс этдирилган. Бу воқиа, айниқса В. Сворога томонидан ишланган «Закипели районининг ишчилари» расмида ҳамда И. Дроздованинг «Стачкадан қуролли қўзғолонга ўтиш» расмларида жуда аниқ, жонли қилиб чизиб берилган.

Шунингдек 1905 йил январь воқиасига доир плакатлар, «Пролетарий» газетасининг 1905 йилда чиққан 1-нчи сони, Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» китобига ишланган муқова, РСДРП III с'езди резолюцияси, «Вперед» газетасининг 4-нчи сони, В. И. Ленининг «Россияда революциянинг бошланиши» сарлавҳали мақолалари ва бошқа материаллар бор.

Плакатлар орасида совет рассомларининг биринчи рус революциясига бағишлаб ишлаган асарларини ҳам кўриш мумкин. Бу плакатлар 1905 йил революцияси тарихини янада чуқурроқ ўрганиш учун бой материал беради.

Философия тўгараги

Ўрта Осиё политехника институтида философия тўгараги ташкил қилинди. Тўгаракка марксизм-ленинизм асослари фани ўқитучиси ўртоқ Круглеев раҳбарлик қилмоқда. Тўгаракнинг биринчи машғулотида «XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда ижтимоий-сиёсий фикрнинг ривожланиши» деган темада суҳбат ўтказилди. Тўгарак а'золарининг сони ҳозир 30 кишига етди.

Қишки спорт буюмлари савдоси

Шу кунларда қишки спорт буюмларининг савдоси қизиб кетди. Шаҳар ёшлари ва болаларда коньки ва ченага бўлган эҳтиёж ўсди.

Шаҳардаги Динамо магазини шу кунгача харидорларга 200 дан ортиқ турли хил коньки ва 500 дан ортиқ чена сотди. Магазинга сотиш учун яна 500 та чена ва 300 та коньки келтирилди.

Ёшларнинг қишки спорт ўйинлари

1 декабрьдан шаҳарнинг қуйи физкультура коллективларида ёшларнинг қишки спорт ўйинлари бошланди. Ёшларнинг бу спорт ўйинлари икки этапдан иборат бўлиб, 1956 йил 30 мартгача давом этади.

Қишки спорт ўйинлари ёшларни спорт машғулотларига кўплаб жалб қилиш, спортчиларнинг спорт маҳоратларини ошириш ва СССР халқлари спартакиадасига пухта тайёргарлик кўришда муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Спорт ўйинларининг биринчи этапи шаҳардаги корхона ва муассасаларда, техникумлар, олий ўқув юртлари, мактаблар, ҳунармандчилик кооперацияси артельлари ва бошқа ташкилотларда 1 декабрьдан 1956 йилнинг 15 февралигача давом этади. Иккинчи этап мусобақалари эса районлардаги корхоналар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари, артельларнинг терма командалари ўртасида, 16 февральдан 30 мартгача ўтказилади. Ёшлар кам бўлган физкультура коллективларидаги спортчилар қишки спорт ўйинларининг иккинчи этапида шахсий биринчилик учун кураш олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.

Мусобақаларнинг ҳар иккала этапида ҳам барча бошланғич комсомол, касаба союз ташкилотлари ва физкультура коллективлари районлардаги ташкилий комитетларнинг раҳбарлигида спорт ўйинларини намунали ўтказишга эришишлари лозим.

Мусобақаларга қатнашучилар ўз ёшларига қараб группаларга бўлинади. Спорт ўйинларига врач рухсат берган барча ёшлар иштирок этаоладилар. Қишки спорт ўйинларининг биринчи этапида қатнашмаган физкультура коллективлари ўйиннинг иккинчи этапига киритилмайди.

Ёшларнинг қишки спорт ўйинлари программасига гимнастика, оғирликларни кўтариш, кураш ва отиш спорти киритилган. Бундан ташқари, ҳарбир спортчи ўз хоҳишига қараб волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича мусобақалашишлари мумкин.

Эркаклар ва хотин-қизлар гимнастика мусобақаларига ГТО комплексининг биринчи даражаси программаси асосида қатнашадилар. Оғирликларни кўтаришда эса эркаклар спортнинг троеборье тури бўйича курашадилар. Отиш спорти эса кичик калибрли милтиқдан 25 ва 50 метр масофага ўтказилади.

Енгилатлетикачи хотин-қизлар 800 метрга, эркаклар 1500 ва 5000 метр масофага югуришда биринчилик учун курашадилар.

Ёшларнинг қишки спорт ўйинлари СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети тасдиқлаган низомга мувофиқ ўтказилади.

Икки этапда ўтказиладиган бу қишки спорт ўйинлари ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини кучайтиришда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам барча комсомол ва касаба союз ташкилотлари бу тадбирни муваффақиятли амалга ошириш учун астойдил ишга киришишлари керак.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 7 декабрьда чиқади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/XII да кундуз **Оғриқ тишлар**, кечқурун **Қароқчилар**, 5/XII да кундуз **Юрак сирлари** кечқурун **Қутлуғ қон**, 6/XII да **Чин муҳаббат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/XII да кундуз **Дубровский**, кечқурун премьера **Қизил гул** (Аленький цветочек). 5/XII да кундуз **Катта байрам концерти**, 6/XII да **Сотилган қайлиқ**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/XII да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Фарҳод ва Ширин**.

«Узбексельмаш» заводи клубида — 6/XII да Ўзбекистон давлат филармонияси **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да ҳамда кеч соат 6 дан **Қизил ва қора** (2-нчи серия), кундуз соат 12 ва 4 да **Кўчамизнинг командаси**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **Шошилинч хат**, кундуз соат 12 дан янги француз-итальян бадиий фильми **Хотин кишининг севгиси**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Қизил ва қора** (2-нчи серия), 3-нчи залда кундуз соат 12 — 20 ва 2 — 20 минутда **Ўнбешёшли капитан**.

«ЎЗБЕКИСТОН» эрталаб соат 10, кундуз 12,2 ва 4 да **Тоғ қўлининг сири**, кеч соат 6 дан **Қизил ва қора** (2-нчи серия).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

5 декабрьда кундуз ва кечқурун

ҚАТТА КОНЦЕРТЛАР

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Комилжон Отаниёзов, Турсунхон Жа'фарова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Э'тибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ашурали Юсупов**, солистлардан **Райҳон Тўраева, Ранса Муҳиддинова, Райҳон Иброҳимова, Оминахон Фаёзова, Шерали Пўлатов, Турсун Валиев** ва бошқалар қатнашади.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев** олиб боради.

Концерт кундуз соат 12 ва кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

5 декабрьда

КАТТА байрам концерти

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Назира Аҳмедова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Салима Хўжаева, Ҳалима Комилова, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов, Михаил Давидов, Борис Завьялов, Анвер Бараев**, солистлардан **Жамол Низомхўжаев, Сасон Беняминов, Рая Ҳожисаидова, Бернара Қориева, Флора Кайдани, Қундуз Миркаримова, Тамара Юнусовалар** қатнашади.

Концертмейстер — **Д. Л. Воробейчикова**, программани **Жамол Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 68733. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1563.